

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz



Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2011-yil 21-iyul № 88-89 (2970) payshanba



Озод юртнинг
обод манзиллари

Хизмат сифати ошмоқда

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 апрелда қабул қилинган «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Қашқадарё вилояти бозорларида хизмат кўрсатишни яхшилаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

«Қарши озиқ-овқат дехқон бозори» очик акциядорлик жамиятида 416 савдо нуқтаси ва 61 дўкон фаолият кўрсатмоқда. Харидорлар ва сотувчилар учун барча қулайликлар яратилган ушбу бозор расталаридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари лаборатория текширувидан ўтказилиб, сифати доимий назоратга олинган.

Бозор ҳудудидаги «Насаф агро савдо харид» шўба корхонасига қарашли савдо нуқталарида харидорларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, фермер хўжалиklarининг ўз маҳсулотларини сотиши учун махсус расталар ҳам барпо этилган.

Суратларда: тадбиркор Содик Жабборов; сотувчи Жавоҳир Умаров.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА)
олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи ҳақида

(Боши 2-бетда)

Концепциянинг VI бўлимида ҳамда Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилиши мунтазам равишда қатъий назорат қилинишини, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ушбу вазифалар сўзсиз бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини оширишни таъминлаш;

иқтисодий ислохотларни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари мансабдор шахслар томонидан бузилганлиги учун тегишли жавобгарлик чора-тадбирларини белгилаш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатасига киритиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликни таъминлаш, улар фаолиятидаги бюрократизм, расмиётчилик, коррупция кўринишларига қарши курашиш юзасидан қонунда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Чет эл инвестицияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини, янги таҳрирдаги Божхона кодексини ўз вақтида сифатли ишлаб чиқишни ташкил этиш ва шу йилнинг III чорагида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш;

Концепция қоидаларини амалга ошириш доирасида тайёрланган ва катта ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларини кенг муҳокама этиш ҳамда жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни, шу жумладан бу ишга тижорат ва тадбиркорлик тузилмалари, жамоатчилик ва нодавлат нотижорат ташкилотларни кенг жалб этиш йўли билан ташкил этиш;

экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашни ва юқори қўшимча қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, илмий ечимлар талаб қиладиган, юқори технологияли экспортга мўлжалланган саноат ишлаб чиқаришларини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини кўриш;

2011 йилнинг II ярмида фаолиятнинг лицензияланадиган турлари рўйхатини ва давлат бошқаруви органлари томонидан амалга ошириладиган рухсатнома бериш тартиб-таомилларини қисқартириш, қабул қилинган қарорларни амалга оширишда масъулиятсизликка,

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун ортиқча бюрократик тўсиқлар ва говлар яратилишига йўл қўйётган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги чора-тадбирларини кучайтириш юзасидан қўшимча таклифлар киритиш;

жорий йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўзларининг эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ ишга жойлаштирилишини таъминлаш, шу жумладан уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ҳисобидан иш билан таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари дирекциялари, ўқувчилар ва корхоналар ўртасида тузилган уч томонлама шартномаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш;

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини минтақаларда бажариш, шунингдек касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш қандай бораётганлиги мониторинг қилиниши ва ҳар ойда танқидий кўриб чиқилишини таъминлаш.

3. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар бериш; тадбиркорларнинг солиқ ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларини соддалаштириш; кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришнинг ортиқча тартиб-таомилларини бартараф этиш чора-тадбирларини назарда тутувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар киритишни жадаллаштиришлари зарур, деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этиш борасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг батафсил ва ҳар томонлама экспертиза қилинишини, бу соҳада қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ўртасидаги бир-бирини такрорлашлар ва қарама-қаршиликлар истисно этилишини таъминлаш;

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан ғайриқонуний ҳаракатларни амалга ошириши ҳолатларига йўл қўймасликка, шу жумладан вазирликлар ва идораларнинг, вилоятлар ҳокимларининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳамда тадбиркорлик субъектларининг

ҳуқуқлари ва манфаатларини чеклайдиган қонун ости ҳужжатларини, қарорларини бекор қилишни таъминлаш орқали йўл қўймасликка; бу соҳада ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги тўғрисида таклифлар тайёрлашга қаратилган ишларни кучайтирсин;

давлат бошқаруви органлари, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунлар ижросига риоя этилиши устидан, қонун ҳужжатлари нормаларининг бузилишига, эркин, нотўғри талқин қилиниши ва қўлланилишига йўл қўймаслик устидан қатъий назорат қилишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарорига мувофиқ банк тизимининг барқарорлигини янада ошириш ва уни мустаҳкамлаш, 2011–2015 йилларда тижорат банкларининг жами капиталини 2,1 баравар кўпайтириш;

кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларига бўлган асосланган эҳтиёжларини, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва технологик янгилашга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ ҳажмда таъминлаш;

банк ва бошқа молия хизматлари бозорида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, тадбиркорлик субъектларига, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатишда бюрократизм, сансоларлик ҳолатларига йўл қўймаслик;

тижорат банкларининг қонун ҳужжатларига, миқозлар билан ишлашдаги ишбилармонлик ва касб ошдибга риоя этиш борасидаги фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатиш чораларини кўрсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, вазирликлар ва идораларга қуйидагилар тавсия этилсин:

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида, Давлат дастурининг иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қисмида назарда тутилган вазифалар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув учун, бундай ҳолатларга давлатнинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир сиёсатига қарши туриш сифатида қараб, мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чора-тадбирлар кўриш;

минтақаларда янги замонавий кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун ер участкаларини ҳамда тайёр муҳандислик-коммуникация тармоқларига эга бўлган, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини ўз вақтида ажратиш масалаларини ҳал этишни алоҳида назоратга олиш;

минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жойларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда фуқаролик институтлари, энг аввало фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан самарали алоқани, ижтимоий шериклик муносабатларини изчил чуқурлаштириб боришни таъминлаш; ташкил этилган иш ўринлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳақидаги ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталари:

қабул қилинаётган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан амалга оширилаётган назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин, қўмиталар, депутатлар ва сенаторлар демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг моҳияти ва муҳимлигини жойларда тушунтиришга доир ишларда фаол иштирок этишига эришсин;

киритилаётган қонун лойиҳалари мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг бориши эҳтиёжларини, мамлакатимизда тўпланган ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда чуқур танқидий таҳлил қилиниши ҳамда ишланишини таъминласин;

назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида парламент эшитувларига киритилаётган масалаларни чуқур ўрганишга, ижтимоий-иқти-

содий ривожланиш соҳасида аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ ва асосланган таклифларни ишлаб чиқишга алоҳида эътиборни қаратсин, бу ишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари кенг иштирок этишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати:

Сенат қўмиталари минтақаларга бориб, ушбу қўшма қарорнинг қандай бажарилаётганлигини, шу жумладан Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт, Молия, Адлия вазирликлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари томонидан бажарилишини кўриб чиқишга бағишланган парламент эшитувларини ўтказишни ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш чоғида, ушбу Қарорда белгиланганидек, тижорат банклари томонидан иқтисодиётни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги вазифаларнинг бажарилишига асосий эътиборни қаратсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига қуйидагилар тавсия этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан кўриб чиқиш яқунларини навбатдаги мажлислар ва сессияларда муҳокама қилиш;

Концепциянинг демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган қоидалари, шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ҳудудий дастурлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилишининг бориши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш.

10. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери
Д.Тошмухамедова**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 15 июль

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенатининг
Раиси
И. Собиров**

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Яқинда бир эски танишимни кўриб қолдим. Оғзи қулоғида. Бир гапириб, ўн кулади. Сабабини сўраганимда буни у куйидагича изоҳлади.

— Кенжа қизимни яхши ният билан Тошкент педагогика коллежига ўқишга бергандим. Билим олаётган у-ю, лекин коллежни битиргач, қаерга ишга жойлаштираман, деб бошим қотаётганди. Дастлабки курсни тугатгач, иккинчи курсдан амалиётга қатнай бошлади. 3-курсдан кейин яхшигина мутахассис бўлиб етишди. Куни кеча биринчи маоши ҳисобидан бизга совға олиб келибди. Қандай енгил тортганлигимни бир тасаввур қилиб кўринг-а, — деди севиниб. Мана шу суҳбатдан сўнг Тошкентдаги педагогика коллежи фаолияти билан танишиш истаги туғилди. Шундоққина «Оқтепа» майдонининг ёнбошига жойлашган билим маскани биносидан педагог-ўқитувчилар кириб-чиқиб туришибди. Дастлаб касабани уюшма кўмитаси раиси Шаҳноза ВАЛИЕВА билан учрашдик.

Устозини

улуғлаган шогирд

жамиятга фақат фойда келтиради

— Коллежда «Мактабгача таълим» ҳамда «Бошланғич таълим» йўналишлари бўйича сабоқ берилади, — дейди етакчи. — Раҳбарият ҳамда касабани уюшма ташкилоти ҳамкорликда етук мутахассислар тайёрлаш учун барча чораларни кўраётимиз.

Суҳбат асноси педагогика коллежи раҳбари Муҳаббат Тожиёва билан танишиб олдик. Унинг таъкидлашича, 9-синф битирувчиларини касб-хунар таълими билан тўла қамраб олиш, коллежларда дарс берадиган ўқитувчилар малакасини ошириш масаласи шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

— Коллежларни тугатиб чиқаётган битирувчиларнинг малакаси ҳамда касбий кўникмаси юқори бўлиши кўп нарсани белгилайди, — дейди Муҳаббат Тожиёва. Шунинг учун уларни ишга жойлаштиришда муаммага дуч келмаймиз.

Кувонарлиси, коллежда «Усто-шогирд» тизими шакллантирилган бўлиб, 2- ва 3-курс ўқувчиларининг ҳар бири иш бевуви ташкилотларнинг мураббийларига бириктирилган. Ўқувчилар пойтахтимизнинг Чилонзор, Шайхонтохур, Учтепа, Олмазор туманларидаги мактабгача таълим муассасаларида «Усто-шогирд» тизими бўйича ишлаб чиқариш амалиётини ўташяпти. Ушбу жараёнда ўқувчилар фақатгина амалиёт дастурини бажариб қолмай, балки эгаллаётган касблари бўйича ўз ишининг устаси бўлган мураббийлардан касб сирларини ўзлаштиришмоқдалар.

— Ўқувчилар амалиёт ўтаётган ҳар бир мактабгача тарбия муассасаси ёнки мактаб билан шартнома тузганмиз, — дейди Муҳаббат Тожиёва суҳбатни давом эттириб. — Унга биноан биз «Усто-шогирд» аъёнасини самарали ташкил этиб бериш, ўқувчиларда таълим йўналиши бўйича ўқув режаси ҳамда дастурларга амал қилган ҳолда зарур билим ва малакани ҳосил қилиш, келишилган жадвал асосида амалиёт кунларини белгилаш ва узилишлар бўлмаслигини таъминлаш вазифаларини зиммамизга олганмиз.

Ўз навбатида, амалиёт ўталадиган таълим муассасаси ҳам ўқувчиларни малакали мутахассисларга бириктириш, иш ҳужжатлари, ўқув-тарбиявий ишларни режалаштириш, ички тартиб қоидалари билан таништириш, мутахассис эгаллаши зарур бўлган кўникма ҳамда малакаларни шакллантириб бориш каби бир қатор ишларни юқори савияда ўтказиш мажбуриятини олишган.

— Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган ҳар бир шахс ҳаётда муносиб ўрин топа олса, тақдирдан, атрофдагилардан рози бўлиб яшайди, — дейди Тошкент шаҳар ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими бирлашган касабани уюшма кўмитаси раиси Валижон Кочкаров. — 2010 йилда тизимимиздаги академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларини 48.870 нафар ўқувчи битириб чиқди. Уларнинг 46594 нафарининг бандлиги таъминланди. Айна кунда 2276 нафар дипломли мутахассисни ишга жойлаштириш чоралари кўриляпти.

Н. РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Оқланган ишонч

Касаба уюшмаси етакчилиги ниҳоятда жонкуяр ва масъулиятли бўлишни талаб этади. Зеро, бу ишловчилар манфаатини муҳофаза қилишда муҳим омил ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касабани уюшма кўмитаси раиси Норхон РАИМОВА билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Норхон Раззоқовна, баъзи давраларда «Касаба уюшма ташкилоти ҳали ҳам борми?» қабилидаги савол қулоғимизга чалинади. Бунга қандай жавоб берган бўлардингиз?

— Албатта, ҳар бир киши дунёқараши, билим савиясидан келиб чиққан ҳолда савол беради. Касаба уюшма ташкилоти меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида нуфузи ва обрўсига эга.

Бу етакчининг масъулияти ҳамда салоҳияти билан боғлиқ жиҳат. Маънавий етук, касбининг устаси, одамларни ортидан етаклай оладиган касабакўмига ташкилот обрўсига обрў қўшади.

Яқинда қабулимга ёш етакчи кириб келди. Уни танийман, яхши мутахассис, лекин аъзоларнинг бошини қовуштириб, иш бошлашга озгина тажрибаси етмай турган экан. Бу ҳолат менга яхши таниш. Чунки ўзим ҳам бошланғичдан чиққанман. Бир вақтлар устозим Клара Муҳамеджанова ҳузурига худди шундай кайфиятда боргандим. Узоқ ўтириб суҳбатлашдик. Унга далда бериб, касабани уюшма фаоллари билан тез-тез суҳбатлашиб туриши зарурлигини таъкидладим. Албатта, мулоқотимиз бесамар кетмади. Айна вақтда у етакчилик қилаётган ташкилот муваффақиятга эришмоқда.

Айтиш мумкинки, ҳамма гап масъулиятда. Етакчида бу туйғунинг кучли бўлиши ютуқлар омили дегани.

— Мана, 16 йилдирки, бирлашган касабани уюшма кўмитасига етакчилик қилаяпсиз. Бир жойда узоқ ишлаш кишини зериктирмайдими?

— Мақтанишга йўмангу, зериктиш нималигини билмайман. Инсонларга кераклигини ҳис этсанг, ишингдан кўнглинг тўқ бўлса, бажараётган ишингга нисбатан иштиёқ ортади.

Алоқачиларнинг манфаатини ҳимоя қилишга

масъулмиз. Касаба уюшма кўмитаси ижтимоий-иқтисодий соҳада, маънавият ёки спортда, техника хавфсизлигимиз — барча-барчасида ишловчига камарбаста бўлиши лозим. Ҳар бир бошланғичда бу ширга айланса, албатта, кутилган натижага эришамиз.

— Бу ишда келишувлар ҳамда жамоа шартномаларининг аҳамияти беқиёс...

— Жамоа шартномасида акс эттирилган шартлар ҳаётда ўз аксини топса, бошланғич касабани уюшма кўмитаси кўзлаган мақсадига тўла эришган ҳисобланади.

Бирлашган касабани уюшма кўмитамиз ҳам меҳнаткашларнинг иш шароитини яхшилаш, маош ҳамда бошқа турли тўловларнинг вақтида тўланишини муттасил назорат этиб бормоқда. Сўнгги йилларда кабелчилар ҳамда электромонтёрларнинг ойлик иш ҳақига кўшимча устама ҳақ тўланишига эришдик. Ўтган йилдан бошлаб ёз мавсумида ишловчи линия электромонтёрлари узайтирилган нонушта вақтидан фойдаланишяпти.

— Бирлашган касабани уюшма кўмитаси ходимларнинг иш шароитини яхшилаш ҳамда меҳнат муҳофазасини кўнглидагидек ташкил этишга қандай ёндашмоқда?

— Меҳнат муҳофазаси масаласи маҳсус боб сифатида ҳар бир бошланғич ташкилотда амал қилаётган жамоа шартномасига киритилган. Унга кўра, иш бевуви томонидан ҳар бир ишчи-хизматчи маҳсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Зарарли иш шароитида меҳнат қилаётганларга эса сут ва сут маҳсулотлари бериляпти. Масалан, «Қорақалпоғистон телеком» филиалида айна вақтда 968 киши меҳнат қилмоқда. 380 нафарини инсон саломатлиги учун ўта зарарли жойларда ишловчилар ташкил этади. Уларнинг иш шароитини яхшилаш, иш жойла-

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига



Вобкент туманидаги «Ширин» қишлоқ врачлик пункти дояси Сайёра Собирова соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси вилоят кенгаши раиси Шавкат Султоновга телефон орқали мурожаат қилди. Маълум бўлдики, маъмурият унинг розилигисиз хизмат вазифасини 0,5 ставкага қисқартирган. Раис ва кенгаш ҳуқуқшуноси Ориф Содиқов аҳволни жиддий ўргангач, Меҳнат кодексининг 90-моддаси талаблари бузилгани аниқланди. С.Собировага етказилган моддий зарар ундирилиб, асоссиз қисқартирилган штат ўрнига қўйилди.

Беором қалб

Бу — ягона мисол эмас. Бухоро туман кўп тармоқли марказий поликлиника врачлари О.Бозоров, Фиждудон туман «Адоқ» ҚВП хўжалик мудираси М.Сайфуллаева, Бухоро шаҳар ДСЭНМ врачлари Т.Почочоев, мазкур марказ дезинфектори З.Турсунова, Пешку туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ходими З.Жўраева ва бошқаларнинг мурожаати ҳам ижобий ечим топди. Айрим ҳолда кенгаш саъй-ҳаракати, баъзида эса фуқаролик иши суди ва бошқа тегишли органларнинг қонуний ёрдами қўл келди.

Шавкат Султонов вилоят кенгаши раиси лавозимида 23 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётир. Беором қалб соҳиби

соҳа ходимлари манфаатини ҳимоя қилиш йўлида чарчоқ билмайди. Чунки кенгаш раислигига қадар, шифокорлик фаолиятида, яъни собиқ иттифоқ даврида саломатлик посбонлари, айниқса, қишлоқ шифокорларининг ноқулай шароитда ишлагани, меҳнати етарли кадр топмагани, ҳатто ҳуқуқлари поймол қилинганига бевосита гувоҳ бўлган.

Бугун-чи? Шаҳар ва туман марказларидаги саломатлик муассасаларини қўя турилиб, энг олис қишлоқларда ҳам Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган замонавий лойиҳадаги ҚВП ҳамда бошқа шифо масканлари, улардаги малакали кадрлар, яратилган шарт-шароитлар кимни қувонтирмайди, дейсиз?

Айна пайтда соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси вилоят кенгаши сафига 152 та бошланғич касабани уюшма кўмитасини бирлаштирган бўлиб, уларнинг 44 минг 125 нафар аъзоси бор. Кенгаш вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ижтимоий шериклик тамойилларига таянган ҳолда ҳамкорликни давом эттирмоқда. Натижада, аъзолар сони йил сайин кўпайиб, сўнгги 5 йил ичида касабани уюшма аъзолари 4 минг нафардан ошди.

Аъзолар сонининг ошиши шунчаки рақамларни аниқламайди. Ходимларга давлатимизнинг 36 соатлик иш ҳафтаси, 3 кундан кам бўлмаган кўшимча таътил, тўй ва бошқа маросимлар учун 7 кундан 10

Гўзалдир

рини тегишли меъёрларга келтириш, махсус кийим-бош ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш учун 11042 минг сўм сарфланди. Ушбу корхона ишини ўрганган комиссия аъзолари жамоа шартномасига киритилган 142 банднинг барчаси ба- жарилганлигига гувоҳ бўлишди.

— **Бирлашган касаба уюшма кўмитаси атрофига 2,5 минг нафардан зиёд ишчи ҳамда 400 га яқин талабани бирлаштирган.**

Уларни ҳуқуқий ҳимоялаш қандай йўлга қўйилган?

— Бирлашган кўмитамиз қошида ҳуқуқий комиссия фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир корхонада ҳуқуқий билим бурчаги ташкил этилган бўлиб, уларда жамоатчилик асосидаги комиссиялар ишлаяпти. Шу йилнинг ўзида ноқонуний ишдан бўшатишнинг тўғрисида 2 та шикоят тушган бўлса, 16 нафар киши моддий ёрдам, 25 нафар аъзо санаторийга йўлланма сўраб мурожаат этди. Барча моддий ёрдам сўраганларнинг илтимоси қондирилиб, 25 киши турли ситхатҳоҳларда соғлигини тиклади. АТС оператори Г.Аҳметова эса ўз ишига қайта тикланди. Шунингдек, ҳомийлик кўмаги кўрсатишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Кам таъминланган оила фарзанди бўлган ТАТУнинг Нукус филиали талабаси К.Бобоназаровга ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам берилмоқда. Унинг контракт пули тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ёрдамида тўлаб берилди.

— **Сизларда ишловчиларнинг кўпчилиги қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг ҳуқуқлари қай тарзда ҳимояланмоқда?**

— Хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ҳам жамоа шартномаларида акс этган. Масалан, улар ҳомиладорликнинг 6,5 ойида туғруқ таътилига чиқиш ҳуқуқига эга. 12 ёшгача фарзанди бўлган аёлларни иш жойи қисқариши муносабати билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. Биринчи бор турмуш қураётганлар эса энг кам иш ҳақининг 8-10 ба-



робари миқдорида моддий ёрдам олмақда. Жорий йилда 6 нафар ёш шундай имтиёздан баҳраманд бўлди.

Хотин-қизларнинг тиббий кўриқдан ўтиши йўлга қўйилган. Шу кунгача уларнинг 400 нафари бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

— **Кўмита тасарруфидаги алоқачилар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудига ёйилиб кетган. Улар билан мулоқот қандай амалга ошириляпти?**

— Бу борада бошланғич касаба уюшма кўмитаси етакчилари билан селектор орқали мустаҳкам алоқани йўлга қўйганмиз. Қандайдир муаммо ёки савол туғилгудек бўлса, факс орқали бизга мурожаат этишади. Кўмита аъзолари ҳамда мутахассислар билан биргаликда ечимини излаб топамиз. Шунингдек, тез-тез семинарлар ташкил этаяпмиз. Уларда барча етакчилар иштирок этади.

— **Ҳозир алоқачиларнинг фарзандларини дам олдириш қандай кечаяпти?**

— Бу йил Тошкент вилоятидаги ёзги болалар соғломлаштириш оромҳоҳларида 220 нафар фарзандларимиз дам олдирилади. Қорақалпоғистон Республикасида эса 120 нафар бола ҳордиқ чиқаради. Асосийси, йўлланмалар харажатини алоқа корхоналари зиммасига олган.

Юқорида айтганимдек, ҳар бир аъзонинг ишончи — биз учун катта масъулият. Уни оқлаш учун эса барча имкониятни ишга солаемиз.

**Сухбатдош:
Р. НЕЪМАТОВ**

кунгача навбатдан ташқари таътил, ёш боласи бўлган аёлларга 1 соат қисқартирилган иш куни, 2 ва ундан ортиқ ёшгача боласи ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бор аёлларга 3 кунлик кўшимча таътил ва уларнинг хоҳишига кўра йилнинг исталган пайтида 14 кунгача иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши каби имтиёзлар жорий қилинди.

— Тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши билан келишган ҳолда ходимларга кўшимча имтиёзлар яратганмиз, — дей-

руфидаги давлат ва нодавлат ташкилотларида ишловчиларни жамоа келишуви ҳамда шартномалари орқали ижтимоий шериклик тамойили асосида ҳар томонлама ҳимоя қилади. Айтиш жоизки, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да вилоят ҳудудидидаги нодавлат сектори тизими корхона ва ташкилотлари 118 та бўлиб, уларда 1412 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Ходимларнинг дам олиш шароитини яхшилаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт ишларига мунтазам жалб

жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш йўлида вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшмаси муносиб фаолият кўрсатмоқда. Бир мисол. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V курултойи делегатларининг Мурожаатига жавобан вилоят тармоқ касаба уюшмаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга катта эътибор қаратилди. «Кўчат экиш — савобдир» шиори остида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига ҳар бир юртдошимиз 20 тупдан кўчат экиши ташаббусига амалий жавоб тариқасида Шавкат Султонов атрофига фаолларни тўплаб Шофиркон тумани «Мингчинор» ҳудудидидаги ташландик ерни ўзлаштириб, «Тиббиёт ходимлари боғи»ни ташкил этди. Унинг ушбу ибрати тармоқ касаба уюшмаларида кенг қулоч ёйди.

Ш.Султонов тиббиёт ходимлари ҳақ-ҳуқуқининг жонқуяр ҳимоячиси бўлиш билан бирга, ижодкор, шеърятга ҳаваси баян инсон. У Ватан, тинчлик, дўстлик мавзусидаги шеърлари билан кўпчиликка таниш. Шунингдек, журналистларнинг яқин дўст ва ҳамкори. Меҳнат фаолияти, соҳа янгиликлари, илғор касбдошлари ҳақидаги долзарб мақолалари билан матбуотда тез-тез қатнашиб туради. Унинг 6 нафар фарзанди ҳам эл қорига камарбаста. Атрофимизда шундай фидойилар кўпаяверсин, деймиз.

**Иззатулла ХОЖИЕВ,
«Ishonch» муҳбири**

Болалар ёзи — 2011

Бу йилги ёз мавсумида Жиззах вилояти бўйича шаҳардан ташқарида жойлашган 16 та оромҳоҳда 4210 нафар, 46 та кундузги соғломлаштириш оромҳоҳида 3000 нафар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари қошида 87000 нафар, ота-оналари билан биргаликда 1240 нафар болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Шунингдек, уларнинг 9115 нафари болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига, 21000 нафари эса туристик саёҳат ва экскурсияларга жалб этилди. Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси қарори асосида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан жорий йилда кундузги оромҳоҳларда дам олувчилар сонининг ўтган йилга нисбатан 20 фоизга ошганлиги, айниқса, қувонарлидир.

Бири-биридан қолишмайди

Фаллаорол туманидаги мактаблар қошида ташкил этилган мавсумий соғломлаштириш оромҳоҳларида ишлар режа асосида йўлга қўйилган. Хусусан, 26-мактаб қошидаги соғломлаштириш оромҳоҳида 106 нафардан иборат дам олувчилар учун ҳар бир кун сермазмун ва таассуротларга бой ўтмоқда.

Олий тоифали педагог Зарбуви Раҳимова раҳбарлик қилаётган оромҳоҳда фаолият юритаётган «Камалак», «Ниҳол» ва «Шалола» гуруҳларининг деворий газеталари, болажонларнинг турли мавзуларда чизган суратлари, нафис нақшлари, моҳир кўллар ижодидан намуналари кишини беихтиёр ҳайратлантиради. Хоналар озода ва тартибли. Кўчма кутубхона барчада қизиқиш уйғотмоқда. Тарбиячилардан Фарида Нурматова, Ҳайитгул Мажидова, спорт ишлари бўйича Акбар Асқаров, мусикадан Соҳиба Отамуродова каби тажрибали педагоглар болажонларнинг мазмунли дам олишлари учун жонқуярлик кўрсатишмоқда.

Қалин дов-дараҳт ва арчазорлар билан бурканган баҳаво маскан Қашқабулоқ қишлоғида жойлашган бўлиб, табиат манзараси кишига ором бағишлайди.

Болғали қишлоғида жойлашган «Ниҳол» номли соғломлаштириш оромҳоҳида ҳам 106 нафар турли миллат вакилларининг болалари мароқли дам олишмоқда.

Тажрибали педагоглардан Адҳам Алманов, Наргиза Абдусаматова, Соҳиба Маматқулова, спорт йўриқчиси Орзукул Ҳасанов ва мусика раҳбари Фарҳод Аҳмедовлар «Ёз — 2011» мавсумининг кўнгили ўтиши учун сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Шунингдек, «Гулистон» фуқаролар йиғинига қарашли 57-мактаб қошида ташкил этилган соғломлаштириш оромҳоҳида ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик.

— Болаларнинг мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган, — дейди таълим ва фан ходимлари Фаллаорол туман касаба уюшмаси раиси Абдулҳаким Шакарбаев. — Мавсум бошидан тарбиячи ва етакчилар билан бир қаторда тўғрак раҳбарлари ва спорт йўриқчилари тайёрлашга жиддий эътибор қаратганимиз бугун ўз самарасини бермоқда.

Абдулла САИДОВ

Жиззах вилояти

«Шодлик»даги шодон кунлар

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли «Шодлик» оромҳоҳи Амударёга яқин ҳудудда жойлашган. Бу ерга яқинлашингиз билан тароват тўкиб турган гужумларга кўзингиз тўшиб, баҳри дилингиз яйрайди.

Полвонназар Жуманиёзов бошлиқ оромҳоҳ ишчи-хизматчиларининг ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши ҳушманзара гўшага янгича файз бағишлайди.

Оромҳоҳ ушбу мавсумда 240 нафар болажонни ўз кучоғига олди. Бу ҳар навбатга 80 нафардан тўғри келди.

Дам олиш масканидаги ҳар бир кун болажонлар хотирасида муҳрланиб қолиш учун турли тадбирлар, танловлар уюштирилмоқда. Дейлик, «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» номли давра суҳбатида ИИБ ходими Сардор Рўзметов ушбу иллатнинг оғир оқибатлари, унинг домига илинмаслик учун ҳушёрликни ошириш зарурати ҳақида суҳбатлашган бўлса, «Ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдорлари» номли тадбирда шифокор Клара Отажонова ёз мавсумида учрайдиган касалликлар, уларнинг олдини олиш ҳақида ўз маслаҳатларини берди. «Оромҳоҳ маликаси», «Оромҳоҳ шаҳзодаси» танловлари айниқса қизиқарли кечди.

Индира Бойназарова раҳбарлигидаги ёш рассомлар, Гавҳар Рўзимова раҳбарлигида мусика, Нурали Бойимбетов раҳбарлигида ёш футболчилар тўғракларни машғулотири ҳар доим қизиқарли ўтади.

Наргиза БОБОЖОНОВА

Хоразм вилояти

СОҲИБИ

ди «Иссиқ сув» физотерапия шифохонаси бош врачлари Абдурахмон Баротов. — Бизда ҳар бир ходим йилига бир марта бепул даволанади. 13 ёшгача боласи бор аёллар амбулатория хизматидан 20 фоиз чегирма асосида фойдаланади. Шунингдек, тиббиёт ходимлари учун ҳар ойда 100 квт электр энергияси корхона ҳисобидан тўланади. Узоқдан қатнаб ишловчиларга махсус бепул автотранспорт ажратганмиз.

Кенгашининг ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш, уларга хавфсиз иш ўрни яратиш, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактик ишларга амалий ёрдам кўрсатишда ташаббускор бўлаётгани ҳам эътиборга молик. Унинг тасар-

қилиб, соғломлаштириш, жисмоний чиниқтириш ҳамда диққат-эътиборда. Ҳозирда соғлиқни сақлаш тизимида 6 та бадий ҳаваскорлик жамоаси, 15 та спорт-соғломлаштириш секцияси фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ватан васфи дилларда» бадий ҳаваскорлик кўриктанловлари, спорт мусобақалари, хотира турнирлари ўтказиш аънана тусини олган. Вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши тасарруфидаги тиббиёт-профилактика муассасалари, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида 88 та маънавият хонаси, 65 та маънавият бурчаги ташкил этилган.

Эл-юрт фаровонлиги, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш,



Мирзачўл туманида яшовчи Умрзоқ Сафаров тахририятимизга шикоят хати билан мурожаат қилган эди. Хатда у тумандаги Янгидала ширкатлар уюшмаси тугатилаётган пайти ширкатга тегишли икки дала шийпонини ўзи раҳбарлик қилаётган Хожаипок фермер хўжалиги билан тугатиш комиссиясининг келишувига асосан сотиб олиб, кейинроқ ўгли Х. Сафаров номига расмийлаштиргани, бироқ шийпонларнинг бирида оила аъзолари билан истиқомат қилаётган фуқаро Абдумалик Алиев бинони бўшатиб беришни истамаётганини ёзади.

Кимга ишониш керак?

Ушбу масала юзасидан фуқаролар уч марта судлашган. 2010 йил 3 июл куни Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди низони охириги марта кўриб чиққан ва Х. Сафаров фойдасига ҳал қилган. Бироқ А. Алиевнинг турмуш ўртоғи Ш. Тўраеванинг аризасига биноан суд қарор ижросини тўхтатади. 10 августда эса ижрони тўхтатиш ҳақидаги хат бекор бўлганлиги сабабли уни қайта ҳаракатга келтиради. Бу ҳолат яна такрорланиб, 2011 йил 12 январда ижро охириги марта ҳаракатга келтирилган. Бироқ орадан шунча вақт ўтса-да, А. Алиев суд қарорига асосан Х. Сафаровга тегишли бўлган бинони бўшатиб бермаяпти. Суд ижрочилари томонидан эса бу борада ҳеч қандай иш амалга оширилмаган. Ваҳоланки, фуқаро турли идораларга кўплаб марта мурожаат қилган.

Тахририятимиз мухбири томонидан юқоридаги воқеа юзасидан мақола тайёрланган эди. Бироқ, баъзи мулоҳазалар билан мақола чоп этилмасдан, унда келтирилган вазиятга аниқлик киритиш мақсадига Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментига жўнатилган эди. Мазкур идорадан бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи С.Аҳмедов имзоси билан олинган жавобга қараганда, фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг 2010 йил 3 июндаги ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Мирзачўл туман бўлими ижро иши юритишига 2010 йил 22 июл куни келиб тушган ва ижро ҳаракатлари олиб борилганлиги, бироқ фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раисининг 2010 йил 13 декабрдаги 5-279/10-сонли хатига асосан тўхтатилганлиги, тўхтатиш бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумот шу кунга қадар суд ижрочиларининг Мирзачўл туман бўлимига келиб тушмаганлиги маълум қилинган.

Х. Сафаров тахририятимизга тақдим қилган маълумотлар бунинг аксини кўрсатапти. Уларга асосан фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди 2011 йил 12 январда № 5-280 рақами билан рўйхатга олинган хат орқали ижрони ҳаракатга келтирган. Ушбу хат шу йилнинг 19 январда Жиззах шаҳар почта идораси орқали Суд ижрочиларининг Мирзачўл туман бўлими катта суд ижросисига юборилганлиги тўғрисида 99-сонли квитанция ҳам мавжуд.

Мирзачўл туман почта идорасидан олинган маълумотлар ушбу хат манзилига етказилганлигини тасдиқлайди. Вилоят почта бошқармаси ходими Шокиржон Абдуллаевнинг айтишича, у Мирзачўл тумани почта бошқармасининг хабарчиси Галина Абдураззоқова томонидан 21 январ куни туман суд ижрочилари бўлинмасининг Тўйчиев фамилияли ходимига топширилган ва қабул қилингани тасдиқланган.

Бироқ ижро департаменти ходимларининг хатни «олмадик» дейиши нафақат фуқарони, балки тахририятни ҳам чалғитишга уринаётгандек туюляпти.

Хат қайсидир ходимнинг масъулиятсизлиги туфайли йўқолган ва рўйхатга олинмаган ҳам дейлик. Унда нега фуқаро кўплаб марта мурожаат қилган бўлса-да, ижрочилар суд ёки почтадан масалага ойдинлик киритишни талаб қилишмади. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди ҳам ижрони ҳаракатга келтириш тўғрисидаги юборган хатлари тақдири билан қизиқмаган.

Вужудга келган вазият юзасидан кимга ишониш кераклигини ҳам билмай қоласан, киши.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Юртимизда истиқлол туфайли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун кенг имконият очилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турлари кўпаймоқда. Айни пайтда, бозорларимиздаги маҳсулотлар, хизматлар тури ортиб борапти.

Истеъмолчи ҳуқуқи ҳимояда

Аммо айрим ҳолларда сотувчилар, хизмат кўрсатувчилар томонидан истеъмолчилар ҳуқуқи бузилаётгани афсусланарли. Мисол учун, Янгийўл туманида яшовчи Б.Усмоновнинг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаатида туман марказий бозоридаги дўкандан сотиб олган телевизор бир ой ўтмасдан ишдан чиққани баён қилинган. Жамият ходимлари ушбу воқеани ўрганиб, шикоятчининг ҳуқуқини тиклашга кўмак берди.

Бундан ташқари, туман ҳудудида айрим истеъмолчиларга фойдаланилмаган электр энергияси, ичимлик суви ва табиий газ учун тўлов ҳисобланиши, фуқароларга терминал орқали хизмат кўрсатилишида асоссиз равишда тўловларни амалга ошириш, қурилиш маҳсулотлари учун олдиндан тўлов тўлаган истеъмолчиларга маҳсулотлар етказилиб берилишининг пайсалга солиниши каби ҳолатлар ҳам аниқланган. Улар асосида тегишли идораларга маълумот берилган.

А. БАЛҒАБОВЕВ,
Тошкент вилояти Янгийўл тумани Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси

Текширувлар камайтиради

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали мулкдорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Тошкент шаҳар Учтепа туман Давлат Солиқ инспекцияси ходимлари бу борада Президентимизнинг жорий йилнинг апрелидаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорларига асосан тарғибот ишларини олиб бормоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида бундай субъектларни ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консалтатив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш назарда тутилган.

Туман солиқ инспекцияси ходимлари жорий йилнинг ўтган даврида «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база ҳамда микрофирмаларга берилган имтиёзлар», «Камерал назорат самарадорлигини оширишнинг афзалликлари», «Электрон ҳисобот топшириш ва электрон имзодан фойдаланиш», «Бухгалтерга электрон мадад (БЭМ) янги бухгалтерлик программасини корхоналарга татбиқ этиш», «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони ва бошқа қатор мавзулар юзасидан тадбиркорлар учун семинарлар ташкил этди. Биргина июн ойидаги семинарларда туман ҳудудида фаолият юритаётган 150 нафардан ортиқ тадбиркор қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Истиқлол йилларида тадбиркорларга кенг шароит яратилиб, солиқ имтиёзлари ва қонунчилиги такомиллашиб бормоқда. Улар фаолиятига асоссиз аралашувлар ва текширувлар кескин қисқартирилди. Жорий йилда бу борада қатор қарор ва қонунлар қабул қилинган. 2011 йилда туман солиқ бошқармаси ходимлари томонидан режалаштирилган текширувлар «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони орқали 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқлангани муносабати билан 24 фоизга қисқартирилди.

Абдуллазиз АБДУНАЗАРОВ,
Учтепа туман Давлат солиқ инспекцияси «Солиқ текширувлари» бўлими бошлиғи

Ҳаёт тасодифларга тўла, тақдир йўллари чигал. Уйдан соппа-соғ чиқиб кетган Ҳасан Фафуров иш жойида содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли бир умрга ногирон бўлиб қолди.

Инсон азиз

Сайхунобод пахта тозалаш корхонасининг 1-ишлаб чиқариш бригадасида тола муҳрловчиси бўлиб ишлаётган Х.Фафуров ўша куни кечки соат 24 да сменани қабул қилиб олди. Юмушларни бажариб турган пайтда смена устаси Сардор Хўжаев Ҳасанга иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаса-да, пахтани чигитдан ажратиш агрегатида ишлашни тайинлайди. Смена устаси яна катта хатога йўл қўяди. У Х.Фафуровни техника хавфсизлиги йўриқномаси билан таништирмайди.

Х.Фафуров смена устаси томонидан берилган топшириқларни бажарар экан, эҳтиётсизликни унутди. Ҳасаннинг ўнг қўлидаги қўлқоп станок орасига илиниб, панжасини чайнаб кетади.

Унга тезлик билан тиббий ёрдам кўрсатилиб, шифохонага ётқизилади. Панжалари кесиб ташланган ёш йигит шу тариқа бахтсиз ҳодисадан жабр чеқди. Суд-тиббий экс-

пертизасининг ҳулосасига кўра бу ҳолат «Ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст» деб топилди.

Бахтсиз ҳодиса сабаби вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси давлат меҳнат техника нозирлари томонидан чуқур ўрганилди. Текшириш жараёнида маълум бўлдики, смена устаси С.Хўжаев «Меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишни ташкил қилиш тўғрисидаги услубий Низом»нинг 158-банди талабларини қўпол равишда бузган. Бахтсиз ҳодиса келиб чиқиш сабаблари ҳам мутахассислар томонидан меҳнат жараёнида технологик интизомга риоя этилмаганлиги оқибати деб баҳоланди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги қарорида ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниш ёки саломатлиқнинг бошқа хил шика-

стланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўлаш қоидаларига асосан жабрланувчига зарур тоvon пуллари тўлаш иш берувчи зиммасида эканлиги қайд этилган, — дейди вилоят бош давлат меҳнат-техника ноziри Тўлқин Абдураззоқов.

Иш берувчи ва касабая уюшма ташкилотлари ўртасида тузилган жамоа шартномасида кўрсатиб ўтилган вазибаларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш кўнгилсиз ҳодисалар олдини олиш имконини яратади.

Анорбой НОРКУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоачи мухбири



Сўраган эдингиз



Асли вазифам туман ҳокимлигида қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиги эди. 2005 йилда ширкат хўжалигини тугатиш комиссиясига раислик қилганман. Илгари бирор йўриқнома бўлмаган. Хўжалик мулки биржа орқали сотилган. Мени мулкни қайтадан баҳолаб, талон-торож қилганликда айблашаяпти. Юқоридаги вазият юзасидан мансабдор шахс ҳисобланаманми?

Т. ЗОҲИДОВ, Касби тумани

Сизга нисбатан жиноят иши кўзгатирилган бўлса, суд бирор хулосага келмагунча ҳеч нима дея олмаймиз. Аммо саволингиз юзасидан баъзи масалаларга ойдинлик киритишимиз мумкин.

Мансабдор шахс деганда, биринчидан, ҳокимият вакиллари, иккинчидан, давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколатли бўлган шахс, шунингдек, мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари тушунилади. Иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар ҳам шу тоифага киради.

Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жиноят объекти ҳисобланади. Бунда субъект мансабдор бўлиши шарт эмас. Ҳар қандай ўн олти ёшга етган шахс бўлиши мумкин. Растрата деганда камомад, бошқалар ихтиёрига ўтказиш тушунилади.

Ушбу ҳолатда орадан олти йилнинг ўтганлиги жавобгарликни истисно этмайди.

Судлашув — фожиа эмас. Судни айбловчи муассаса деб тушунмаслик керак. У одиллик принципига риоя қилади. Киши ўзини ноҳақ айбланаётган ҳисобласа, адвокат ёрдамида ҳақлигини исбот қилиши мумкин.



Ўқитувчиларга устама ҳақ қай тартибда тўланади?

М. ХОЛИҚОВ, Ангрен шаҳри

Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомга кўра барча тип ва номдаги умумтаълим мактабларининг ўз касбига содиқ ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш, юксак касбий ва ҳалол меҳнатини рағбатлантириш, ташаббускорлиги ва касб маҳоратини ўстириш мақсадида Умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган ҳодимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасидан:

ўқувчилар билан тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар олиб борилаётганининг юксак даражаси учун тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 15 фоизигача миқдорда;

касб маҳорати ва таълим жараёнига қўшилган аниқ ҳисса,

юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 25 фоизигача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгиланади.

Базавий тариф ставкасига қўшимча ҳақларнинг қуйидаги турлари сақланиб қолади:

синф раҳбарлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

дафтарлар ва ёзма ишлар мунтазам равишда текширилиши учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи.

Кўрсатиб ўтилган қўшимча ҳақлар ушбу қўшимча ҳақни молиялаштириш учун махсус ажратиладиган бюджет маблағларидан тўланади.

Ходимдан қўшимча педагогик малакани талаб этадиган меҳ-



Ҳеч қандай ҳужжатсиз боланинг туғилганлиги ҳақида гувоҳнома бериш мумкинми?

Т. ОТАБЕКОВ, Фориш тумани

Йўқ. ФХДЁ органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги Йўриқномага мувофиқ туғилганликни қайд этишда боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома, ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ва никоҳ гувоҳномаси талаб этилади.

Зарур ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда ФХДЁ бўлими далолатнома ёзувини қайд этиш рад қилинганлиги ҳақида асослантирилган маълумотнома беради.

натнинг алоҳида шароитларида ишлаганлик учун базавий тариф ставкасига устамалар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ходимдан қўшимча педагогик малакани талаб этадиган педагогик лавозимлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларга мазкур Низом кучга киргунга қадар амалда бўлган устамалар сақланиб қолади, уларнинг миқдори эса ходимнинг базавий тариф ставкасига нисбатан фоизларда ҳисоблаб чиқилади.

Қонун талаби билан

Хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мамлакатимиз ҳудудига олиб келиш ва сотиш учун давлат рўйхатидан ўтиш талаб этилади. Зеро, бозорларимизда эркин рақобатни шакллантириш, истеъмолчиларни сифатсиз маҳсулотдан ҳимоялаш кўп жиҳатдан импортёр тадбиркорларнинг қонун ҳужжатлари билан қай даражада таниш эканлиги, уларга амал қилиши билан боғлиқ.

Республикамизда амал қилаётган импорт билан боғлиқ қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш мақсадида Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Давлат Солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тадбиркорлар билан давра суҳбатлари, семинарлар ташкил қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида туман Давлат Солиқ инспекциясига тижорат мақсадида четдан маҳсулот олиб келувчи яқка тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун 79 та ариза тушган. Уларнинг фаолият йўналиши, бизнес режаси ўрганилиб, 48 та тадбиркорга рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома — «Карталар» топширилди. Давлат рўйхатидан ўтган яқка тартибдаги 78 та импортёр томонидан туман ҳудудидаги бозорлар ва бошқа типдаги савдо мажмуаларига умумий қиймати 301 миң АҚШ долларига тенг маҳсулотлар олиб кирилди. Умумий қиймати 841 миң доллар миқдоридagi маҳсулотлар эса савдо нуқталари орқали аҳолига етказилди.

Яратилаётган қулай шароитга қарамай, баъзи фуқаролар томонидан ноқонуний равишда импорт маҳсулотларини мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш, мавжуд қонун талабига риоя этмаган ҳолда ёки белгиланмаган жойларда хорижий товарларни сотиш ҳоллари ҳам учраяпти. Бундай «тадбиркор»лар фаолиятини назорат қилиш борасида инспекция ходимлари режа бўйича иш олиб бориб, олти ойда 32 та назорат тадбири ўтказди. Натижада қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 84 млн. 12 миң сўмлик товар моддий бойликлар вақтинча олиб қўйилган.

У. АЛЛАЁРОВ

Ҳамза тумани Давлат Солиқ инспекцияси бош инспектори

Матбуот анжумани

Истиқболли лойиҳалар ижроси

Истиқлол йилларида нафақат шаҳарлар, балки қишлоқлар қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди. Катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳарсозлик кодекси асосида бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, Давлат ҳокимияти органлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда «Ўзқурилишматериаллари» АК каби тармоққа оид идоралар олдига муҳим вазифалар қўйилди. Яқинда Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда қурилиш, лойиҳалаштириш соҳаси ходимлари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда шулар ҳақида гап борди.

Хусусан, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан 350 дан ортиқ қурилиш, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, 400 дан ортиқ қурилиш сметалари учун норматив ҳужжатлар ҳамда 100 га яқин қоидалар, низомлар, кўрсатмалар, регламентлар ва тартиблар ишлаб чиқилиб, амалга татиқ этилмоқда. Шаҳарсозлик фаолиятида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад кўтарган гўзал бинолар, санаят корхоналари, таълим муассасалари, спорт иншоотлари, янги қурилган, қайта реконструкция қилинган кенг ва

равон автомобил йўллари, кўприклар, темир йўллари мисолида кўриш мумкин.

Шу ўринда бунёд этилган энг йирик қурилишлар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Жумладан, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Асака ва Самарқанддаги автомобил заводлари, шунингдек, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи каби стратегик саноат объектлари мамлакатимиз иқтисодининг юксалиб боришида асосий омиллардан бири саналади. Айниқса, республикамизнинг барча ҳудуд ва минтақаларини боғлаб турадиган ягона транспорт коммуникация тизими яратилганлиги қувонар-

ли ҳолдир. Трансмиллий транспорт йўлакларини ва жаҳон бозорига чиқиш имконини берадиган 694 километрлик «Навоий — Учқудук — Султон Увайстоғ» ҳамда 223 километрлик «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темирйўл линиялари, 270 километрлик замонавий автомобил йўллари, «Навоий аэропорти», «Ангрен» халқаро логистика марказлари ҳам истиқлол йилларида барпо этилган йирик қурилишлар сирасига киради.

Бунёдкорлик ишлари юксалган сайин, табиийки, қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам ортади. Шу боис, республикамизда бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Президенти-

мизнинг «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш тўғрисидаги» Фармони ҳамда «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Шу асосда 2005-2010 йилларга режалаштирилган жами 120 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада гипскартон, қуруқ қурилиш қоримчалари, совуқ ва иссиқ сув таъминоти учун полипропиленли қувурлар, кўпикбетон, акрилли санитария-техника буюмлари, вермикулит, қопловчи тошлар, деворбоп ва томёпқич материаллар, лак-бўёқ каби бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ишга туширилди. Шу билан бирга 2007-2008 йилларда йилига 611,1 млн. дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 105 та завод ишга ту-

ширилди. 2009-2010 йилларда мамлакатимиз ҳудудларида гишт ишлаб чиқарувчи яна 136 янги инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Бундан ташқари, мавжуд корхоналар технологияларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, молиявий маблағларни рационал тақсимлаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар эвазига «Оҳангаронцемент», «Бекободцемент», «Қизилқумцемент» ва «Қувасойцемент» каби акциядорлик жамиятлари томонидан ишлаб чиқариш қуввати бугунги кунда 100 фоизга етказилди.

«Ўзқурилишматериаллари» АК эса нафақат қурилиш материаллари тармоғини кенгайтириш, балки уни экспорт қилиш имкониятларини ҳам ошириб бормоқда.

Дилором АЛЛАКУЛОВА,
«Ishonch» муҳбири

Бизларга дўст даркор... Расул ҲАМЗАТОВ 1.

Жўра муаллимни шифохонадан олиб келишганига бугун уч кун бўлди. Ниҳоят, тушдан сўнг, аҳвол сўраб келувчиларнинг оёғи узилди. Уйнинг бир четдаги кароватда ётган бемор бир пайтлар давраларни ларзага солган полвон эди, десак, ҳозирги ҳолатини кўрган одамнинг ишонини қийин.

Яқинларининг беморни кўрсатмаган дўхтуру табиби қолмади. Бариси ошқозонида ўсма бор дейишди. Операцияга эса муаллим кўнмади, югур-югурлар билан қўрадаги қора-қура-ларнинг бари сотилди.

Шифтга қараб ётган Жўра муаллим аёлини чақирди.

— Хотин, аҳволим ўзингга маълум, айт-чи, болаларинг ҳеч кимдан қарз олишгани йўқми?

— Укаларингизни қўшмасак, бошқа бировдан насия олганимиз йўқ.

— Ошнам Саттордан-чи?

— Вой, ўлмасам, ошнангиздан олганимиз эсимдан чиқибди.

— Айт, қанча қарзми?

— Дўхтурга деб олиб борган қўйни ошнангиз берган эди.

— Яна?

— Ўғлингизга дорига ишлат, деб икки марта юз мингдан берган экан.

— Хўш?

— Тунов кун сўрагани келиб, отангга айтма деб, яна юз минг бериб кетибди.

Жўра муаллим ютинди, кўзларига ёш келди.

— Хотин, айт, мен ошнамга нима каромат кўрсатувдим?

— Қизини чиқарганда бир яшиқ ароқ олиб борувдингиз.

— Ошнам-чи?

— Нормурод билан Нормўмин уйланганда иккита боқма қўй олиб келувди.

— Хотин, мен аллақачон бўғзим-гача қарзга ботиб қолибман, агар бирор қор-қол бўлса, қарзни қандай узасизлар?

— Ахир, ошнангиз...

— Ай, хотин-а, тўғри, у ошнам, кадрдоним, лекин элда, «Бор товоғим, кел товоғим», деган гап ҳам бор-да. Ишончим комил, ўғилларинг бу иришда ҳеч қачон қарзни қайтара олмайди.

Эр ҳам, хотин ҳам жим қолишди. Охири Жўра муаллим деди:

— Эртага битта эшак топинглар, ўзим бориб ошнам билан гаплашиб келаман.

— Вой, ўлмасам, қандай борасиз, ётишингиз...

— Бошқа чора йўқ!
2.

Жўра муаллим бир амаллаб эшакка минди ва ҳаялламай, даштга элтувчи йўлга чиқиб олди. Авжи баҳор эди. Қирлар яшил майсаларга бурканган, онда-сонда учраган қизғалдоқлар эса гир-гир эсаётган шамолда оҳиста тебранади. Аммо атрофдаги бу гўзалликка, тароватга Жўра муаллим бефарқ, унинг ўй-хаёлини ошнаси билан бўладиган мулоқотнинг охири қандай бўларкан, деган савол қўлаган. Олисда эса бир пайтлар гавжум қишлоқ бўлгану, кейин одамларнинг кўчиб кетгани боис чолдеворзорга айланган кимсасиз, мискин макон. Хув газадаги уй Саттор чўпонники, ёнбошдаги хароба эса бир пайтлар уларнинг уйи бўлганди.

Отаси Ҳайдар ака ўша йиллари қўйчилик фермаси мудири, ошнасининг отаси Дўстмурод ака эса чўпон эди. Кунларнинг бирида Дўстмурод ака кичкина тўй қилиб, Жўра билан Сатторни илик тишлатиб ошна кўриштирди. Шу билан икковлон иноқлашиб кетди. Мақтабни тугатган Саттор отасининг ўрнига чўпон бўлиб қолди. Жўра эса шаҳарга бориб ўқишга кирди. Ўқишни тугатиб, қишлоқдаги мактабга ишга ўтди. Икки ошна тўй-маъракаларда учрашиб қолишарди.

Кўтон ёнида қий супураётган аёл Жўра муаллимга пешвоз чиқиб кўришди, эшакни боғлаб, меҳмоннинг қўлига сув қуйди ва уйга таклиф этди. Кўрпачага ўтирган Жўра муаллим ҳолсизланиб ёстиққа ёнбошлади, чўнтагидан дастурмоқ олиб терга ботган юзини артди.

Зум ўтмай ошнасининг аёли дастурхон ёзиб, нон ва чой келтирди.

— Ҳадемай ошнангиз келиб қола-

ди, неварангизни жўнатдим, сиз чой ичиб туринг, — деб чиқиб кетди.

Жўра муаллим базўр чойни қайтариб ҳўлади, у толиққан эди, уйқуни келди, дастурхонни ёпиб ёстиққа ёнбошлади, кўзларини юмди.

Меҳмонхонага кирган Саттор чўпон ошнасини кўриб хафа бўлди. «Эй, худо, арслондек йигит ҳам шундай ҳолга тушадими?», деб хаёлидан ўтказди у.

Н и х о я т Жўра муаллим уйғонди ва рўпарасида турган ошнасини кўриб қучоғини очди. Икки дўст қучоқлашиб кўришди. Мастура икки коса кўкат солинган чалоп олиб келди. Саттор ошна-сидан сўради.

— Дўст, сизга чалоп совуқлик қилмайдими? — Жўра муаллим индамай ичиб кўрди, муздеккина экан, унинг аллақачон сўнган иштаҳаси уйғониб, чалопни бир кўтаришда ичиб юборди.

Н и х о я т Саттор чўпон ошнасига юз-

ланиб сўради:

— Қани, полвон, бу аҳволда нима қилиб овора бўлиб юрибсиз?

— Бир кўрай деб келдим, эҳтимол бу охири дийдорлашувдир, дўхтурлар умид узишди.

— Бекорларни айтибди ўша дўхтурлар, ҳали невараларга тўйлар қиласиз, керак бўлса, майдонга чиқасиз, ким айтади сизни курашда туя олган полвон деб?

— Шундай бўлса кошки эди...

— Албатта, бўлади, фақат сиз бундай бўшашманг!

Жўра муаллим бу сўзлардан бироз тетиклашди.

— Бетоблигимда кўп ёрдам қилибсиз, мен бу аҳволда қарзни қандай узаман?

— Нимани айтяпсиз, дўст?

— Қўйларни, неварангизга берган

пулларни-да.

Саттор чўпон кулди, ошнасининг бемаврид ташрифини тушунди.

— Ай, ошнам-а, полвон бўлсангиз ҳам, муаллим бўлсангиз ҳам, соддасиз, хўш, айтинг, ўзбекнинг илик тишлатиб дўст кўриштириш одатининг маъносини биласизми?

Жўра муаллим индамади.

— Бу дегани, бир умр бир-бирдан айрилмайди, топганини баҳам кўради, яхши-ёмон кунларда бирга бўлади, дегани — билсангиз!

Шу орада чўпоннинг хотини икки коса шўрва ва кетидан бир лаган гўшт олиб келди.

Жўра муаллим шўрвадан татиб кўрди, хуштаъм, мазали экан. Саттор чўпон, гўштни тўғраб, каттакон иликни ошнасига тутди.

— Қани, полвон, бир ҳалоллаб беринг-чи?

Жўра муаллим иликни ушлаб, бир парча гўштни узиб олиб еди ва қайтариб ошнасига узатди.

— Хув, ўшанда гўштни еб қўйиб, суягини бизга берган эдингиз, ёдингиздами, — деди Саттор чўпон ҳазиллашиб.

Жўра муаллим ўша воқеани эслаб, жилмайиб бош ирғади. Улар овқатланиб бўлишгач, Мастура идишларни олиб кетиб, чой келтирди.

— Ошна, негадир мени тер босяпти, уйқум келяпти, — деди Жўра муаллим паст овозда.

3.

У уйғонганда тонг бўзраётган эди, ошнаси ҳам ёнбошлаб ётган экан. Жўра муаллим ташқарига чиқмоқчи бўлиб ўрнидан турди, Саттор чўпон ҳам ортидан ташқарилади.

Юз-кўлини ювган Жўра муаллим руҳида ва танида аллақандай ўзгаришлар содир бўлаётганини сезди. Икки ошна қаймоқ билан чой ичишди.

Жўра муаллим дастурхон устида деди:

— Хабарлашиб туринг, одамзот билмайди, бирор нохушлик бўлса...

— Ҳой, дўст, сиз кетсангиз, қарзларни ким қайтаради, — деди ҳазиллашиб.

Улар бараварига кулиб юборишди. Саттор чўпон ошнасини отда киргача кузатиб қўйди.

— Бўлди, қайтинг, қўйлардан хабар олинг, мен яхшиман, айтганингиздек ҳали ўладиганга ўхшамайман.

Саттор чўпон ошнасини тепаликдан кузатаркан, пичирлади:

— Сен бўлмасанг, кимни ошна дейман, кимни?!..



онбўзсойлик саксон олти ёшли Бекмурод полвон билан суҳбатимиз у ёқ-бу ёқдан бошланиб, курашга келганида бобонинг юзлари ёришиб кетди.

— Айбга буюрмайсиз, ука, одам қариганидан кейин озгина эзма, насиҳатгүй бўлиб қоларкан, бундан баъзилар қочиб қолишади. Аммо сиздай тоқатлилари ҳам учраб тураркан-да...

Хўш, ота-боболаримдан сўзласам. Бариси тагли-туғли, ишбилармон бўлишган. Лозим бўлганда элга нон-туз беришган. Аммо зинҳор ҳимматларини овозга қилиб мақтанашмаган. Отам Чори бобо ҳам бировнинг ҳақини емайдиған, камсуқум, меҳнаткаш одам бўлган.

Укам Пардабойнинг юриш-туриши, ҳаракатлари отамга ўхшайди. Лекин Райимберди кўпроқ даштлик қипчоқ-сарой тоғаларига тортган.

Оилада эрка ўсдим, болалигим бир томони — она Қашқа бўйлари, тўқайзори ўтлоқлар, иккинчи томони — қирлар, боғ-чорбоғлар, тушов нималигини билмаган отлар уюри, қамов нелигини кўрмаган сигир-бузоқлар, қўй-қўзилар ичида кечди. Тупроқ, ҳаво, сув тоза эди. Кўклар

келиши билан адирларга ўрлардик. Жангалтепа, Қизтепа, Бўри-тепа бизнинг мўъжазгина маконимиз эди. Еганимиз — туютуппа, қоқи, чирийгул, исмалоқ, ичганимиз серқаймоқ сут-қатик, айрону қатрон бўларди. Айтинг, шундай маконда ўсган ўғил Алпомиш, қиз Барчиной келбат бўлмай ким бўлсин?!

туркман эса танти бўлади. Қиш келиши билан тўйлар бошланар, бир томони Сурхону яна бири Бухоро ва Самарқанд тарафлардан мана-ман деган курашчилар келишар, тонг отгунча олишув, ҳайқириқ давом этар эди. Ёш, қайсар, тезоб, ҳеч нарсадан тап тортмас эдим. Кўп ўтмай, қамалик полвон бўлиб танилдим.

учун яшарди, курашарди.

Полвонлар уйнаб-уйнаб олишиб, майдонда бир-бирига аёвсиз рақиб, турмуш ва кўча-кўйда дўст-қадрдон бўлишарди. Зўрға тан бериларди.

Энди ўзимни бир қур мақтай. Ўнг қўлимда девнинг кучи бор эди. Ҳай деб чўзсам, бармоқларим чопонни ҳам, чакмонни ҳам

лончини йикитдим, деб айтмайин. Бирок, ўн беш йил кураш тушиб, елкам ер кўрмагани рост. Полвонлик боис эл назарига тушдим, давлатманд бўлдим.

Кейин эса... бод деган балога йўлиқдим. Кураш тушолмай қолдим. Аммо кўнгил кўрғур ёнарди. Ҳовиримни босмоқчи бўлиб Пармон, Чоршанби, Мамат деган ёш полвонларни эргаштириб эл ораладим, талашдим, тортишдим.

Бу ёғини сўрасангиз, йигирма тўрт ёшимда юракка ишқ ўти тушиб, Дўнганчиқул қишлоғидан бўлган мулла Қосим бобонинг Ойхолой отлиғ қизига ошиқ бўлдим. Момонгизга етгунча қанча азият, ситам чекдик. Охири етишдик. Момонгизга уйланиб кам бўлмадик. Бой бўлдик, Эшмурод, Эркин отли ўғилларга, Клара, Ниғора, Дилноза каби қизларга ота бўлдик, эна бўлдик. Ҳозир бариси уйли-жойли, ўн тўққиз набира, тўрт чеваранинг бобоси, момосимиз.

Энди ука, айтарим шу, ёлғон бўлса, элдан сўранг...

Эл-улус эса, Бекмурод полвоннинг ажойиб курашчи бўлганини ҳамон сўйлаб юрибди...

**Ўролбой ҚОБИЛ,
Қамаш тумани,
Гулистон қишлоғи**

Полвон бобо

Қирқ саккизинчи йилда мактабни тугатиб, Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик техникумининг зоотехник бўлимига ўқишга кирдим. Мендек тўпори, содда йигит учун янги ҳаёт бошланди. Урушдан эл ҳориб чиққан, нон азиз йиллар эди. Талабалик ҳам олтин давр эмасди. Катта даврага бел боғлаб, илк бор талабалик йилларида чиқдим. Тўйлар курашсиз ўтмасди, полвонлар кўп эди. Тинимсиз машқ қилдим, ёмонлардан йироқ юрдим, яхшиларга эргашдим.

Ўқишни тугатиб, йўлланма билан воҳамизнинг Муборак, Касби каби чўл ҳудудларида чорва мутахассиси бўлиб ишладим. Юрт кездим, одам танидим, кўзим пишиди. Биласиз, чорвадор эл тўқ,

Кейин қишлоққа қайтдим. Ишга жойлашдим.

Т ў й л а р
бошлан
иши
билан
Бахтиёр,
Жума

полвонлар билан курашли давраларга кетардик.

Бахтиёр полвон елкадан оширишининг, Жума полвон эса ётиб отар усулининг моҳир ижрочилари эди. Мен эса тўғаноқ услубини яхши ўрганган эдим. Эй, ука, у йилларнинг кураши ҳам, одамлари ҳам ўзгача эди, назаримда. Биров мол-дунё тўпламасди. Одамлар обрў-этибор, орият

тешиб кетарди. Қанча полвонларнинг елкасида панжаларимнинг изи қолган-ов...

Ўша йилларда Абдирашид, Абдирахмат деган алп полвонлар эл кезарди. Тараф-тараф, злат-злат бўлиб олишарди. Укаси йиқилса, акаси майдонга дов тўкиб, отилиб чиқарди. Орқаси йўқ курашчи йиғлаб, бўзлаб кетарди.

Энди мен шу ёшга кириб, фа-





Соҳибқирон

Амир Темур халқимиз даҳосининг тимсолидир. Унинг эзгу ишлари, буюк давлат барпо этишдаги сазй-ҳаракатлари замирида халқимиз маънавий оламининг нақадар бой ва рангбаранглиги акс этган. Ана шундай улуғ зотнинг қиёфасини яратишда устозим — Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиевнинг хизматлари жуда катта. Соҳибқирон портретини ишлашдан аввал у киши кўплаб тарихий манбаларни ўқиб, ўрганганларидан хабарим бор. Уша пайтларда иккимиз тез-тез учрашиб, бу ҳақда соатлаб суҳбатлашардик.

Малик Набиев айрим билимсиз, тарихни билмайдиган мутахассисларнинг Амир Темур ҳақидаги бирёклама фикрларига жуда муросасиз муносабатда эди. Ушанда уларнинг хатоларини тузатиш баробарида устозим маънавийтимиз ва тарихимизга катта ҳисса қўшиб кетганини мана бугун янада чуқурроқ англаб турибман.

Амир Темур портретининг илк муҳокамасида тарихни билмаган, саркардалар кийимларидан беҳабар айрим танқидчилар Соҳибқирон ёпиниб юрадиган ёпинғични миллий либос дея талқин этиб устозни бироз ранжитиб қўйишгани эсимда. Ушанда устозим: «Ёпинғич, бу дунё саркардалари либоси» деб бир қанча тасвирлардан мисоллар келтириб, ҳаётдан орқада қолган «корчалон»ларни аранг тинчитгандилар.

Ҳа, Малик Набиев ростгўй, ҳақ гапдан қўрқмайдиган мусаввир эди. У киши ҳамиша Президентимизнинг Амир Темур қиёфасини яратиш борасидаги мулоҳаза ва тақлифлари портретнинг мукамал чиқишида асос бўлганини тўлқинлашиб гапирардилар. Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида бу ҳақда алоҳида таъкидланган:

«...Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ана шу фикрлар асосида портретни қайта ишлади ва бу-

тунлай бошқа сиймо — бугунги кунда бутун халқимизга яхши маълум бўлган Соҳибқироннинг мумтоз қиёфаси пайдо бўлди. Айнан шу сиймо кейинчалик юртимизда Амир Темур бобомизга атаб барпо этилган барча ҳайкаллар учун асос бўлиб хизмат қилди».

Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов Амир Темур ҳайкалини яратишда Малик Набиевнинг ана шу «Амир Темур» портретидан фойдаланган.

Бу истеъдодли ҳайкалтарошни ҳам кўпдан бери танийман. У шоир Султон Жабборнинг укаси. Ўзбекистон Давлат санъат музейида тарғиботчи бўлиб ишлаган кезларимда болалар газетаси, ҳозирги «Тонг юдузи»га мақола олиб борганимда унинг акаси билан танишганман. Ушандаёқ у укаси Илҳом Жабборовдан фахрланиб гапирганди. Шундан бери ҳайкалтарошнинг ижодини кузатиб келаман.

Ватанимиз мустақиллигига Илҳомнинг ҳайкалтарош эканлигини кўплар билмасди. Соҳибқирон ҳайкали уни жаҳонга танитди. Сўнгра «Мотамсаро она», «Бахтиёр она» ҳайкалларини ҳам яратди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ҳайкал яратишга киришилди. Ҳайкал дастлаб тошда, кейин бринж (бронза)да қад кўтарди. «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида Президентимиз шундай ёзади:

«1993 йили Тошкент шаҳридаги Амир Темур хиёбонига ўрнатиладиган ҳайкални илк бор муҳокама қилганимиз эсимда. Ҳайкалтарошлар тақдим этган вариантда Соҳибқирон қўлига найза тутган ҳолда тасвирланган эди. Мен бунга эътироз билдириб, «Соҳибқирон бобомиз қўлида найза эмас, отнинг жоловини тутиб тургани маъқул, — деган фикрни билдирдим. — Бунинг

рамзий маъноси бор. Чунки, салтанатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жилов Амир Темурнинг қўлида бўлган. Бу мустақкам давлат тизimini қўлда маҳкам тутиб туришни аниқлатади.

Шу билан бирга, буюк аждодимизнинг иккинчи қўлини баланд кўтариб, дунёдаги барча инсонларга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилаётган аснода акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қолаверса, халқимизда ҳар бир иш бисмиллоҳ айтиб, ўнг қўл, ўнг оёқдан бошланади. Бу ҳайкалда эса от нима учундир чап оёқдан одим ташлаётти».

Ана шу қимматли фикр-мулоҳаза асосида ҳайкалтарош янги вариантни яратди. Албатта бунда Илҳом Жабборовнинг кўп йиллик тажрибаси, меҳнати, маҳорати ҳам ўз аксини топган.

Пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбониди Соҳибқирон ҳайкали бугун мағрур бўй чўзиб турибди. Буюк бобомиз от устида. Узангига оёқларини тираб, отнинг жоловини тортган ҳолда, ўнг қўлни баланд кўтариб «Бизнинг куч-қудратимизга шубҳа билан қараётган бўлсангиз, биз қурган биноларга қаранг» дейётгандек. От ўйноқлаб ўнг оёгини босмоқда. Соҳибқирон бобомиз саркардалиқ либосида. Елкаларида ёпинғич. Қиличлари қинга солинган.

Соҳибқирон бобомиз Шарқдан Фарб томонга борар экан «Бас, энди тинчликда яшайлик» деган мақсадда отни жоловини тортиб турибди... Бу муҳташам ҳайкални ҳар куни минглаб юртдошларимиз қатори чет эллик меҳмонлар кўради. Ишончим комилки, бу нодир обида халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми сифатида уларни ҳамиша ҳайратга солаверади.

Махмуд АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадий
ижодкорлар
уюшмасининг
аъзоси, санъатшунос

Ўзғодлар ҳикмати муҳассам бунда

«Келинлар кўзғолони» филмидаги мақолчи келин Башорат ёдингиздадир. Ҳар сафар Фармонбиби келинидан ёзғириб: «Барака топгур, Башорат, мақол ҳам ўлсин ҳар гапга қўшилаверса, мақол қўшмасдан гапиринг» деганида, очиги, яқингача Фармонбиби тараф эдим. Чунки, болалик чоғларимда онам мени бирор жойга юборадиган бўлса: «Бошинг бориб оёгинг қайтсин» дерди. Бу гап мени дугоналарим билан ўйнашдан маҳрум этарди. Яна «Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор», деган мақол ҳам онамнинг тилидан тушмасди. Бу эса уйимизга бирор нарса сўраб «бирров»гинага чиққан қўшни аёлнинг соатлаб қолиб кетишига дахлдор эди.

Бунинг устига отам ҳам бирор гап гапирса, мақол ёки ҳикматли сўз қўшмасдан гапирса олмасди. «Ақлни аҳмоқдан ўрган», деса, тавба, отам ҳам қизиқ гапларни гапирди-да, аҳмоқдан ҳам ақл ўрганиб бўларканми, дердим. Аслида, бир кишининг қилган ноҳўя ишини тақдорламаслик ақл ўрганиш бўларкан. Қўш уясида кўрганини қилади, деганлари рост экан. Мен ҳам ота-онамга ўхшаб мақол қўшиб гапирини ўргандим, мақолларга меҳр қўйдим. Тўғрироғи, улғайганим сари уларнинг ўзи менинг ҳаётимга кириб келаверди. «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», «Бўрини гапирсанг, қулоғи кўринади», «Дўстсиз бошим, тузсиз ошим», «Одобли қиз эрта туриб соч тарар, одобсиз қиз эрта туриб нон сўраб» каби мақолларнинг амалдаги ишотиға тез-тез гувоҳ бўламан. Башорат келин томонга «оғиш»имнинг боиси ҳам айнан шу сабабдан.

Бейхитёр савол туғилади: ҳўш, барчамизни бир қадам олдинда юришига ўргатадиган матбуотда мақол ва маталлардан фойдаланиш қай даражада? Мавзу юзасидан тажрибали ҳамкасбларимизнинг фикрлари билан қизиқдим.

Зайниддин РИХСИЕВ, журналист:

— Халқ мақол ва маталларидан фойдаланиш керак, албатта. Аммо, ҳар бир сўз ўз ўрнида ишлатилса дуруст. Жумладан, мақоллар ҳам. Йўқса, ҳар хил ҳолат юзага келиши мумкин. Кимдир мақолни жойида ишлатса, яна кимдир «билимдон»лигини кўрсатиш учун мақолдан беҳуда фойдаланишга ҳаракат қилади. Натижада, суҳбат мавзусидан четга чиқиш, кўзланган мақсадга эришиш қийинлашади.

Мақоллар журналист айтмоқчи бўлган фикрни тўлдириб, уни «миҳлаб» қўйишга хизмат қилса, сўз таъсирини оширишга туртки берган ҳолларда ўзини оқлайди. Ҳар бир журналист «Билган топиб, билмаган қолиб гапирар» деган халқ мақолини ёдда сақлаши ва топиб-топиб, жойида гапирини даркор.

Фармон ТОШЕВ, журналист:

— Мақоллар халқнинг гапи. Биз эса унинг бир жузъимиз. Шу боис ҳам мақолсиз гапирини қийин. Бошқаларни билмадим-у, лекин мен мақолга катта эҳтиёж сезаман. «Олманинг тағига олма тушади». «Бойнинг қозиси бўлгунча, камбағалнинг тозиси бўл». «Либосингга қараб кутиб олишади, ақлингга қараб кузатишади» сингари мақолларни публицистик мақолаларимда кўп қўлламан.

Соҳиба МУЛЛАЕВА, талаба:

— Бир дугонам билан мақол айтишиб тураман. У жуда мақолчи, қонида бор. Ўзининг айтишича, аммаси мақол қўшмасдан гапирса олмас экан. Онаси аммасининг мақолчилигига кўп кулган экан. Буни қаранг-ки, қизи ҳам мақолчи бўлибди. «Ёмон кўрганинг олдингга келади» дегани шу бўлса керак-да. Онам: «Бугунги ишни эртага қўйма мақолини «Бугунги ҳақлингни эртага қўй» деб ўзгартирган ва бу менинг мақолим», дейди. Момом Санамжон Қаландаровдан ҳам талай мақоллар ёзиб олганман. Булар менинг ҳаётимда салмоқли ўрин тутди.

Наргиза АСАДОВА, журналист:

— «Отангни онангга бепардоз кўрсатма», «От айланиб қозигини топади», «Айтилган сўз — отилган ўқ», «Сатанг совқотмайди, қалтирайди» мақолларини тез-тез қўлламан. Мақолни тўғри қўллаб олиш ҳам санъат аслида. Икки журналистни билмаман. Бирининг тили илмий ва қийин. Иккинчисиникида юмор ва киноя бор. Ҳатто, ачиқ гапни юмшатиб айтади. Мақол ва маталлардан унумли фойдаланади. Менимча, ҳар бир одам халқ мақолларини яхши билиши керак.

Мурод АБДУЛЛАЕВ, журналист:

— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига Одил Ёқубов бош муҳаррирлик қилаётган пайтлар эди. Тахририятга бир суд шарҳи келди. Уни кўриб чиқиш учун Саъдулла Сиёевга бердик. Мақола тайёр бўлган, унга таъсирчан сарлавҳа қўйиш тўғрисида бош қотирдик. Мақола ноқонуний туғилган болани ўлдириш учун бир ҳамширага пул берган инсонлар ҳақида эди. Ўзбек халқ мақоллари китобини олиб varaқлашга тушдик ва «Бирники мингга, мингники — туманга» мақолини «Бирнинг касри...» дея ўзлаштириб олдик. Сарлавҳа ўз таъсирини кўрсатди. Демокриманки, мақолларни зарур ҳоллардагина ишлатиш керак.

Шенол ДИЛЕК, хорижлик меҳмон:

— «Бермаснинг оши пишмас, пишса ҳам қозондан тушмас» мақоли ёдимга ўрнашиб қолган. Бунга сабаб, онасиз воёга етганим учун болалигимда доим ўзим тенги дўстимнинг уйига кўп борардим. Бир куни дарс тайёрлашга борсам, онаси товук гўшти пишираётган экан. Аммо, мен борлигим учун у аёл ҳечам товукни олиб келмас, болаларига ҳам ич-ичидан сабр сўраб, менинг кетишимни пойлаб ўтирарди. Шу-шу товук гўштини кўрсам, шу мақол ёдимга тушади.

Ҳеч бир мақол йўқки, ўз ишотини топмаган бўлса. Шунинг учун ҳам улар асрлар оша яшаб, ҳар бир авлод вақилига маёқ вазифини ўтаб келмоқда. Бугунги, ҳамма вақт зиклигидан шикоят қиладиган, шиддат билан ривожланаётган замонда ҳам улар ўз мавқеини йўқотган эмас. Фақат бизнинг зиммамизда уларнинг илдизига обиҳаёт томизиб туриш орқали, ўз наслунасабимизни улуғ аждодларимизга муносиб ворис қилиб етиштириш вазифини турганини унутмасак кифоя.

Назира БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» муҳбири

Эшмамат бахши Норчаев 84 ёшда. Қамаш тумани Қорақўтон қишлоғидан. Қамай бахшичилик мактабининг таниқли намояндаларидан бўлмиш Ҳазраткул бахшининг шогирди. Бахши улоқ чопган. Турган гапки, кўпкарига дўмбирасини ҳам олиб борар, улоқ ўланга уланарди.

— От боққан хонадонга бало йўламайди. Яъни, отда хислат кўп, — дейди бобо. — Масалан, от шу ерда туриб кишнаса, то овози борган жойгача инс-жинс йўламайди. Оёғи сиз турган заминда турса-да, Афғондаги ер кимирлашини сезади. Тик туриб ухлайди. Эгасига кўп тилов тилайди. Ривоят қилинишича, Луқмони Ҳакимнинг ўғли бемор бўлади. Табиб ҳар қанча уринмасин, ўғлини даволай олмайди. Азиз фарзандининг ҳаётини сақлаб қололмагач, унинг дардини аниқлаш учун жасадни ёриб кўради. Қараса, ўғлининг юрагида битта от ёли ўралган экан. «Аттанг,

Бахшилардан тинглаб ҳикоя


ўғлимнинг ишқи отга тушган экан. От олиб берганимда дарддан фориг бўларкан», дея афсусланибди ҳаким...

Бахши буванинг икки ўғил, бир қизи бор. Ўғилларидан Фармон — чавандоз. Кўзиной — ўқитувчи. Иккиси ҳам дўмбира чертади. Буванинг хотираси жуда кучли. Ота-болаларидан қолган ақидасига содиқ. Бирон набираси ёки жияни уйланмоқчи бўлса, келин бўлмишнинг етти уруғи-

ни суриштиради. Қариндошлар ўртасидаги никоҳга ҳам рози бўлмайди. «Соғлом авлодлар туғилиши шажара кудратини мустаҳкамлайди», дейди бахши ишонч билан.

— Бир қишлоққа бир эшон, бир мулла ва яна битта тентак ҳам керак, — деди бахши бува ярим жиддий, ярим ҳазил оҳангда. — Мулла ва эшоннинг қилар иши маълум,

«Авазхон», «Гўрўғли», «Нурали» каби дostonлардаги қахрамонларимизни яхши англаган, уларнинг жасорати, матонатини ҳис қилган фарзандларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ҳислари чуқур илдиз отади. Ҳозирги доруломон кунларни қадрлаш, Мустақилликни асраш керак. Вақтида қозиги-



соатлаб эшитади», — жилмаяди отахон набирасига имлаб.

Бува дўмбира черта бошлади. У дўмбирани эмас, гўё юрагининг торларини чертаётгандек этингиз жимирлайди, руҳингиз ором олади. Ҳа, бахши сози ва овози қайси хонадонда янграб турса, шу ердан бахт аримайди...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Шеър ва кўнгил учрашуви

Шеърятни англаш, уни тушуна олишининг ўзи бир саодат. Ўтли мисраларни кўнгил аталмиш дунёнинг соҳир туйғуларига ошно этиш эса ҳар қандай киши учун маънавий эҳтиёждир.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида таниқли ижодкорлар, адабиётшунослар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Истеъдодли шоира Фарида Афрўз билан кечган учрашув ҳам том маънода шеърят ихлосмандлари учун гўзал дийдор бўлди, десак муболага эмас.

«Ушшоқ», «Тасбеҳ» каби қатор шеърини тўпламлари орқали кўпчиликнинг кўнглидан жой олган шоира талабаларга ўзининг ижодий изланмалари, замондош ижодкорлар ҳамда адабиёт майдонига кириб келаётган ёшлар ҳақида сўзлади.

— Фарида Афрўз ижоди билан анчадан буён танишмиш, шунинг учун нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчиларнинг истакларини инобатга олиб, мазкур учрашувни ташкил этдик, — дейди аънавий ва ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректор Фаҳриддин Икромхўжаев. — Уйлайманки, адабий кеча ёшларнинг китобга, адабиётга бўлган меҳрини яна бир поғона юксакларга кўтарди.

Фарида Афрўз ёшларнинг ижодий машқларини тинглаш баробарида, ўз шеърларидан ҳам намуналар ўқиб, иштирокчилар дилини мамнун этди.

Наргиза АСАДОВА

Турсунпўлат чавандоз: «Олмос!» деса бўлди, қорабайири ёнига келиб, ер тепиниб туради. Қишлоқда бирор яқин танишини кўриб, отдан тушган чол қайтиб унга минмас, жиловини эгар қошига илдирадиди-да, кўлини белига қўйиб, уйга яёв равона бўлар, «Олмос» эгасининг ортидан эргашарди. Ўтган-қайтган йирик жуссаси кичрайиб бораётган, бироқ ҳали бардам бу кекса чавандозга ва унинг итотли отига ажабланиб ёқасини ушлаб, ҳайратланарди. Чол буни сезсада, пинагини бузмай, сирли жилмайганича оҳиста қадам ташлаб йўлини давом эттирарди. От бир табақаси доим очик дарвозадан ичкари киргач, тўппа-тўғри каттакон тут дарахти остидаги яккамих олдига бориб, тумшугини баланд кўтарганча кишнардиди. Чол эгар қошидан жиловини оларди-да, яккамихга боғларди ва бостирма остидаги пичандан олиб, ёғоч охирга ташларди.

Ховлида у-бу иш билан юрган Зухра кампир отнинг кишнаганини эшитиши биланоқ, ташқари ховлига чиқарди ва чолини катта ўғлининг номини айтиб қаршиларди:

— Келдингизми, Эшпўлат? — дерди.

Кампирини кўргач, Турсунпўлат чолнинг юзида хотиржамлик, овозида майинлик пайдо бўларди. Турсунпўлат чавандоз Пайғамбар ёшига кирганда элга ош

мини ҳам мироблик қилди, ҳам улоқ чопди. Кўшни қишлоқлик узоқ қариндоши Зухрани кўргани Ёлдор отда борарди. Қизнинг оёқ товушидан пайқарди, жонивор. У келаверса, қулоқлари динг бўлар, кўзлари юлдуздек чақнаб, ўйноқларди. Зухра ҳам отдан чўчимасди. Унинг ёлини бармоқлари билан тараб туриб, севгилисига дил розини айттарди. Бир кун отнинг устига ўзи зеб бериб тиккан ёпинғич совға қилди. Ёлдорнинг янада

той бор, Саманнинг қулуни, Ёлдордан тараган. Ёлини кўриб, худди Ёлдор дейсан. Юлдузни кўзлайди.

Турсунпўлат кўп ўтмай, тойни уйга олиб келди. Ёлдорнинг яккамихига боғлаб қўйди. Тойнинг кўзлари ёнишини кўриб, уни «Олмос», деб атади. Икки ёшга етмаёқ Олмос кўркам, гижинглаган от бўлди, ҳатто Искандар раиснинг ҳаваси келди.

ЁЛДОР ОТНИНГ

бериб, «Энди от чопмайман», деди. Шундан сўнг чавандоз «Олмос»ни қайтиб минмади. Аммо, кувончиниям, дардиниям «Олмос»га айтди. Кампирга ҳам айтса бўларди-ю, лекин нима қилади унинг дилини огритиб. Яна эр киши ҳамма гапни аёлига айтавермайди-да. Афғонда ҳалок бўлган ўғли Шопўлатнинг гами етади унга. Эшпўлати хотин юртини макон қилди: шаҳардан уйланди-ю ўша ерда қолиб кетди. Шукур, Тошпўлати ўзига тортди: яхши чавандоз, танти. Энди чироғини шугина ёқади.

Тўй кўпкариларида Турсунпўлат чавандоз улоқ чопмаса-да, «Олмос»ни миниб чавандозлар даврасига кириб, чортоқ остини айланар, кўпкари қизиган паллада чавандоз кичик ўғли Тошпўлатга маслаҳатлар берарди.

Чолга ўзининг улоқ чополмагани алам қиларди. «Эҳ, от ҳам, ўзим ҳам қаридим. На белда мадор, на билақда куч бор. Воҳей!». Бироқ у Аллоҳ шу кунга етказганига, ўғилларидан бири от чопиб, элнинг назарига тушганига шукур қиларди.

Эҳ, Турсунпўлат чавандоз юмлар билан улоқ чопмади. Кенжа ботир, Остон полвон, Фафур чўлок, Раҳмон полвон, Жўра бурут, Искандар раислар билан Ғиждувон, Вобкент, Занданедаги тўйларга бирга борарди. Олдин уларнинг кўпкари тушишини томоша қилди, кейин эса улардек солим учун тортишди. Турсунпўлат кўпкарига қатнашмаса, гўёки тўйлар файзини йўқотгандай эди. Турсунпўлатни эл назарига туширган Ёлдор от ва «Олмос» эди.

Турсунпўлат ўн йилдан зиёдрок Ёлдор отни

кўркам бўлганлигидан Турсунпўлат беҳад севибди. Унутилмас, ширин дамлар эди. Қайлигини Ёлдор отда олиб келдилар. Зухрани отга миндирашаётганида энгашибди, жонивор. Ақли эди, шундоқ кўнглини, кайфиятининг сезарди-да. Сал хафа кўринсанг, тамом, юзингни ялайверарди. Мурод мерганнинг неварга тўйида оёғи синди, жониворнинг. Майдонга кириб қолган бир болани босиб олмай деб, ўзини ситтаб олди. Шунда тепиниб кетиб, оёғи тўпигидан синди, қарсиллаганини чавандоз ҳам эшитди. Шикастабанд Мадамин бобо кўриб: «Тузалимайди», деди-ю чавандознинг кўз ёшларини кўрмаслик учун хайр-хушни насия қилиб кетди. Боймурод сайис Ёлдорни отхонага олиб кетди...

Турсунпўлат анчагача отхонага боролмайди. Назарида Ёлдор от: «Мени асраб қололмайдинг», деяётгандай бўлаверарди.

Бир кун Боймурод сайис маъракада айтиб қолди:

— Отхонага келмаяпсан, Турсунпўлат. Нима, Ёлдорни унута олмаяпсанми? Менга қара, бир

Ҳикоя



— Турсунпўлат, омадинг бор экан, отингни ёлини қара, худди олтиндек товланади-я! Сенга ўзим миниб юрган Бургутни берай, хўп десанг. Олмосни мен минай, — раис отга суқланиб боқди.

Раис чавандоз эмасми, Турсунпўлатнинг кўнглидагини сезди. Қайтиб унга оғиз солмади.

Турсунпўлат Олмосни миниб кўпкариларда кўп соврин олди, тилдан тушмади. Ҳатто Олмосни янги «Победа» машинасига алмаштирайлик, деб келганлар ҳам бўлди.

— Эр йигит дўпписини, пичоғини ва отини

Номинг ўчсин, уруш!

Мен бир қора кунда туғилдим, Туғилдим шу он бўғилдим. Мен туғилиб, кўз очган дунё Хароб эди бузғун, бенаво.

— Бу сатрлар гўё менинг ёшлигим тўғрисида ёзилгандай, — дея сўз бошлади уруш ва меҳнат фахрийси Олим Рўзметов. — Гулобод қишлоғининг Қўнғирот маҳалласида таваллуд топдим. Она меҳрига тўйиш, унинг бағрида эркаланиб ҳаёт кечириш менга насиб этмади. Энди бир ярим ёшга кирганимда онам дунёдан ўтди. Бу кўргилик етмагандай беш ёшимда отам ҳам қазо қилди. Амаким Рўзи бобо кўлида қолдим. Эсимни таниб-танимай, амаким ҳам бу ёруғ оламини тарк этди. Бутун ёшлигим бировларнинг эшигида кечди.

Тўққизга кирганимда, мактабга бордим. Мактаб деб аталмиш бинода на ўқиш, на ёзишга имконият бор, иситилмаган, ёритил-

маган тор хона. Ерда ўтирган ҳолда ўқитувчимиз берган эски китоб варақларидаги ёзувлар ораларига оқ жўхори қуясига сув қўшиб ишланган сиёҳ билан ёзиб ўрганардик.

Кейинчалик мени туман марказидаги мактаб-интернатга топширишди. У ерни тугатгач, ўқитувчи кадрлар етишмаслиги сабабли қишлоқ мактабларида ўқувчиларга сабоқ бера бошлади.

... Иккинчи жаҳон урушининг биринчи кунларидан армия сафига қақирилдим. Саратовда қисқа муддатли тайёргарликдан ўтгандан кейин артиллерия бўлини маси сафида жангга кирдик. 1942 йилнинг июлида Воронеж шаҳри учун бўлган жангларнинг бирида яраланиб, госпиталга тушдим. Соғлигим тиклангандан кейин ўқчи полк таркибидан Новгород, Псков, Смоленск шаҳарларида бўлган аёвсиз

жангларда қатнашдим.

Шундай жанглардан бирида бизнинг биринчи батальон куршовда қолди. Ҳар икки томондан ҳам кўп қурбонлар бўлди. Бир пайт пастлаб учиб келаётган немис самолётига кўзим тушди. Айланаи келиб, яна ўққа тутди. Бахтли тасодиф тугайли мен ва командир омон қолдик.

Урушдан сўнг қишлоғимиздаги мактабда ўқитувчилик фаолиятимни давом эттирдим. Кундузи болалар, кечкурун катталарни ўқитардик. Мактабларнинг аксарияти лой девордан қурилган бўлиб, жиҳозланмаган, қиш пайтлари сиёҳнинг музлаб қолиши оддий ҳол эди.

Шукрки, давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин мактаб, маориф тизими мисли кўрилмаган даражада равақ топди. Чекка-чекка қишлоқларда ишга туширилган мактаблар, касб-хунар коллежлари би-

ноларини кўриб, қалбингиз ғурурга тўлади. Бизнинг қишлоқда ҳам барча қулайликларга эга бўлган, замонавий услубда қурилган икки қаватли мактаб биноси қисқа муддатда қад кўтарди.

90 ёшдан ошган Олим ота ҳали тетик, бақувват. Фақат яраланган оёғидаги жароҳатлари узоқ ўтмишни эслатиб, баъзида безовта қилиб туради. Мактабда бўладиган учрашув, суҳбатлар, байрам кечаларига жон-жон деб боради. Ўқувчи ёшларга ҳаёт сабоқлари беришда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Атрофини ўраб олган ўғил-қизлар бераётган саволларга эринмай жавоб қайтаради. Ўзи ҳам бундан беҳад завқланади.

Каримбой СОБИРОВ,
«Эҳтиром нишони»
соҳиби, касаба
уюшмалари
фахрийси

Янгиариқ тумани

сотмайди. Отингни сотдинг нима-ю дўстингни сотдинг нима? Яхши от дўстан кам эмас, — деди у отининг ёлларини силаб туриб.

Мана энди отнинг ҳам, ўзининг ҳам шарт кетиб, парти қолди. Лекин одамлар хануз кўпқаридан сўз очилдими, Турсунпўлат чавандоз ва унинг улоқчи оти «Олмос» ҳақида гапиришади.

Турсунпўлат чол бир куни эрталаб ўрнидан туролмади. Бели, қўл-оёқ бўғинлари зирқираб оғриди. Қанча табибу духтирларга кўрсатди, бўлмади. Эшпўлати шаҳарга — катта духтирларга олиб бораман, деди. Бормади. Дардини берган, шифосини ҳам берар, деб умид қилди. Охир-оқибат кўлига ҳасса, кейин кўлтиқтаёқ олди. Дарвозадан нарига чиқолмай қолди.

Бир куни Турсунпўлат чолни савраклик дўсти Қосим чавандоз йўқлаб келди. Пешвоз чиқолмагани бирам алам қилди-ей!

— Ия, ишлар кўрпа-тўшак-ку! — деди

— Отни эгарла.

«Олмос» сайрга чиқаётганини билгандай ирғишлаб, кишнаб қўйди. Қосим чавандоз отнинг жоловини тутиб турди. Тошпўлат отасини даст кўтариб, унга миндирди. Турсунпўлат чол худди отга энди минаётганлардай эгарнинг қошини ушлаб, аранг ўтирди.

— Намунча энгашиб олдинг. Қаддингни ростла! — деди буйруқ оҳангида Қосим чавандоз.

Турсунпўлат чол эгар қошидан кўлини олиб қаддини тик тутди. Тошпўлат отасига ҳассани узатди.

— Кўй, ҳассанинг кераги йўқ. Кун санаётганини эмас, тўйга чавандозни олиб бораяпман. Қани жўра, отнинг жоловини бўшат!

Қосим чавандоз ўзининг оқ тулпориди, Турсунпўлат чол эса «Олмос»да йўлга тушишди.

Йўл юрган сайин Турсунпўлат чол қаддини ростлаб, атрофга ёш боладек боқар, куз шамолида дарахтларнинг сарғайиб тушаёт-

қилиш хуш ёқар, дарвозадан чиқиши билан бошини баланд кўтариб, кишнаб юборарди.

Турсунпўлат чол бундан беҳад хурсанд бўлар, жоловини бўшатиб «Олмос»ни эркин кўяр, от Султонобод ариғи бўйлаб оқар сув билан ҳамоҳанг кетаверарди. Турсунпўлат чол бир кун сайрдан ўзини беҳол сезиб, қайтди. Кўксини нимадир қаттиқ ёғимлаётгандай бўлди. Кўзолди туманлашиб, боши гир-гир айланди. Каловланиб ҳовлига аранг кирди. Эрининг бир ҳолда келганлигини кўрган Зўра кампир унинг кўлтигидан олди. Аранг уйга олиб кириб, боши остига баландроқ қилиб ёстиқ қўйди.

— Тошпўлатни чақир! — деди чол зўра.

Зўра кампир эшикдан чиқиб овоз берди: — Келин, ҳо келин! Тезроқ Тошпўлатни топинг. Бобонгиз сўраяттилар.

Кампир яна дарров хонага кирди.

Чолнинг кўзлари ярим юмук эди. Кампир эрининг кўксини тиккилади.

— Кўзингизни очинг, ҳозир Тошпўлат келади. Бирор нима денг, кўрқитманг, Эшпўлат.

Чол жон таслим этганди. Кампир уввос тортиб юборди.

Марҳумнинг таъзиясига тумонат одам келди.

Олмос гўёки эгасининг ўлганини билгандай аянчли кишнади. Яккамихга боғланган ипни узмоқчи бўлиб, силтаб-силтаб тортиди. Уч кун на сувга, на ўтга қаради. Эрталаб Тошпўлат яккамихда отнинг ипи узилиб ётганини кўрди. Қосим чавандоз билан туёқ изларига қараб, йўл олишди. Излар тўппатўғри қабристон томон олиб борди.

Қосим чавандоз узоқдан жўрасининг қабри ёнида бошини осилтирганча тиззаларини букиб ётган отни кўрди-ю «Э воҳ, дунё!», деб юборди алам билан. Отнинг сўниб бораётган кўзлари қабрга маъносиз боқиб турарди.

Тошпўлат отнинг жоловидан тортиб, турғизмоқчи бўлди.

— Индама, эгасининг ёнида қолсин, жонивор.

Қаердандир етиб келган қабристон қоровули Жўравой кал маслаҳат берди:

— Отни ҳалол қилиш керак, ҳаром ўлмасин.

— Отга тегилманг, отам қабрларида тик турадилар-а! — деди ваҳоҳат билан Тошпўлат.

— Отнинг бўйнидан юганини ол. Жонивор ҳеч бўлмаса, ўлими олдида ўзини эркин ҳис қилсин, — деди Қосим чавандоз.

Тошпўлат от бўйнидаги юганини аста ечди.

Қосим чавандоз чопонининг барини тиззасининг остига олиб чўқкалади. Қабристондаги ўлик сукунатни бузиб, Қурьон оятлари янгради.

Абдураззоқ КҮШШАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

ҚУЛТУНИ

дўстининг ҳолини кўриб Қосим чавандоз.

Қосим чавандоз Турсунпўлатни юргизиб, ўтиририб, яна ўрнидан турғизиб кўрди.

Химм... сен касал эмассан. Ҳамма бало от минмай кўйганингда. Қонинг увишиб, бўғинларингга туз тўплаган. Ҳам ўзингга, ҳам отга жабр қилгансан. Отингни кўрдим: яккамихда ётаверганидан туёқлари ўсиб, кўримсиз бўлиб қолди. Суф-ей, сендай чавандозга! Ўғлингга айт, шу бугуноқ отни тақалатиб, миншига тайёрлаб қўйсин. Эртага Қорахонига, Бердиёр чавандозининг неварга тўйига борамиз. Сени кўп тайинлади. «Яна бормаслик қилмасин», деди. Катта кўпқари берармиш.

— Ахир, менинг аҳолимни кўриб турибсан-ку. Қандай бораман?

— Сени жин ҳам ургани йўқ. Айтдимку: ҳаммаси от минмай кўйганингдан. Қонинг увишган сени. Кампирининг кўлтигида жон таслим қилибди деганларидан, йўлда отдан йиқилиб ўлибди деганлари яшироқ, билдингми?! — Қосим чавандоз шундай деди-ю эшикни «қарс» этиб ёпиб чиқиб кетди.

Эртаси куни Қосим чавандоз келганида Олмос тақаланиб, миншига шай қилиб қўйилганди.

— Мана бу бошқа гап, — деди шодлигини яширолмайд Қосим чавандоз. Турсунпўлат чол кўлтиқтаёққа суяниб, инқиллаб чиқди.

— Қорахонигача боролмайман, узримни Бердиёр акага айт, жўра.

— Борасан, мен қафил, ўзингни бардам тут. — Қосим чавандоз Тошпўлатга юзланди.

ган япроқлари чирпирак бўлиб ўйнашидан завқланарди.

«Олмос» аввалгидек шаҳдам қадам ташлар, оқ тулпордан ортада қолмаслик учун ҳаракат қиларди. Улар Дўрманга етгач, Турсунпўлат чолнинг танидаги оғриқлар батамом унут бўлди. Деновдан ўтиб, Фиждувонга қадам қўйгач, ўзини бардам ҳис қила бошлади. Улуғпир Хожай Жаҳоннинг кароматлари, Фиждувон тупроғи энгиллигидан бу, деб ўйлади.

Отнинг лўқиллаб юриши чолнинг увишиб қолган танасини ҳаракатга келтирган, қони юришган ва сайр унинг руҳиятини кўтарган эди. Бердиёр чавандоз уларни жуда хурсанд қилиб олди.

Ўзиям тўймисан тўй бўлди. Ҳатто Самарқанддан ҳам чавандозлар келишди. Кўпқариям зўр бўлди. Бердиёр чавандоз солимга бир от, бир туя ва бир қанча жонликлар берди. Турсунпўлат билан Қосим чавандоз кўпқарига кирмаган бўлса ҳам елкасига биттадан ургути чопон ёпдилар. Ана ҳурмат, ана иззат.

Турсунпўлат тўйдан хушнуд қайтди. Шундан сўнг «Олмос»да сайр қилишни тарк этмади. Кунора чойхонага отда бориб келарди.

Илгари ўғли Тошпўлат кўмаклашиб турган бўлса, энди чолнинг ўзи отга миниб тушади-ган бўлди. Кекса чавандоз инқиллаб-синқиллаб юрганларни кўрганда: «Бу бечоралар, от қаддини қаердан ҳам билсин», деб кўярди. «Олмос»га ҳам яккамихда кун бўйи боғлиқ ҳолда ётгандан кўра, эгасини олиб сайр

Иброҳим ЮСУПОВ — 1958 йилда Хоразм вилоятидаги Гурлан тумани Морбўгат қишлоғида туғилган.

Вилоят ички ишлар бошқармасида, Гурлан, Хива, Янгиариқ туманлари ички ишлар бўлимларида масъул лавозимларда ишлаган, истеъфодаги майор.

«Осмон тўлсин қушларга», «Бир дунё севинч», «Бўри ётоғидаги қотиллик», «Яхши ният», «Юртим ҳақида кўшиқ», «Дилдаги тилакларим» каби китобларнинг муаллифи. Айни пайтда вилоят Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармасида бош ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси лавозимида ишлайди.

Тоғларни севаман

Тоғларни севаман, мағрур тоғларни,
Чўққилар савлати баҳайбат, улкан.
Оламнинг борлиги тоғларда азал,
Жафолар зулмидан тош

бўлиб қотган.

Тоғларни севаман, мағрур тоғларни.

Тоғларнинг бағрига ўзимни урсам,
Тошларнинг тиллари тилса кўксимни.
Тирқираб қон оқса оёқлардан ҳам,
Бахтиёр сезаман шунда ўзимни.
Тоғларни севаман, мағрур тоғларни.

Шиддат-ла учганда тепамда бургут,
Жуссамни панжалаб

олсинлар, майли.

Бургутлар кўзида ловулласин ўт,
Рухимдан яйрасин тоғларнинг баҳри.
Тоғларни севаман, мағрур тоғларни.

Дунёда мағрурлик тоғлардан мерос,
Чўққилар савлати баҳайбат, улкан.
Истайман, яшашни ҳаётда мен ҳам,
Тоғ каби бағри кенг одамлар билан.

Тоғларни севаман,

мағрур тоғларни...

Талпиниб яшайман

Талпиниб яшайман, келажак сари,
Ҳамроҳим — ҳамшира қўлимда қалам.
Орзу, умидларим олдинда ҳали,
Бағрига чорлайди мусоффо олам.

Кўрмаган боғлардан ўтиб бораман,
Турфа хил сўкмоқлар, таниш чехралар.
Гўзаллик сатҳидан илҳом оламан,
Очилик кетади дилдан баҳралар.

Ғунчалар бағрида сирли табассум,
Япроқлар раҳсида нозик ибодлар.
Қушларнинг парвози шу

қадар майин

Қалбларга бахшида ажиб наволар.

Кўнгида ниятлар жавлонлар уриб,
Бировга ғафлатни раво кўрмайман.
Дарелар мавжидан шукўҳлар олиб,
Мен юксак тоғларга интиқ яшайман.

Талпиниб яшайман, келажак сари,
Ҳамроҳим — ҳамшира қўлимда қалам.
Орзу, умидларим олдинда ҳали,
Бағрига чорлайди мусоффо олам.

Иброҳим ЮСУПОВ

Замонавий тиббиёт усуллари қўллаб...

Кўқондаги бирлашган темирйўл шифохонаси нафақат темирйўлчилар, балки шаҳарликлар орасида ҳам довруқ қозонган. Айниқса, шифохонамизнинг шўхрати Мустақиллик йилларида янада ошди. Шифохонамизда учта – 50 ўринли ички касалликлар бўлими ва ҳар бири 25 ўринли жарроҳлик ҳамда болалар бўлимлари мавжуд. Шифохонага қарашли поликлиникада эса бир кунда икки навбатда 760 нафар бемор қабул қилинади.



Биз Кўқон шаҳридаги, шунингдек, бир томони Фарғона водийсининг шарқидан Кува, ғарбидан Сувонобод, яна бир томондан Наманган бекатларигача бўлган темир йўл корхоналари ишчи-хизматчиларига хизмат кўрсатамиз. Умуман, 8200 нафар темирйўлчи бизнинг хизматдан фойдаланади.

Жамоамизнинг асосий мақсади поездлар ҳаракати хавфсизлигини тиббий таъминлаш ва темирйўлчилар соғлигини сақлашдир. Барча турдаги тиббий кўриқларнинг ўз вақтида ўтказилиши, даволаш-профилактик ишларнинг белгиланган мuddатларда ўтказилаётгани, диспансер назоратида турган ишчи-ходимларни соғломлаштириб бориш натижасида темирйўлчилар ўртасида касалланиш ва меҳнатга лаёқатсизликни пасайтиришга эришилмоқда. 2010 йилдан бошлаб Кўқондаги тиббиёт коллежи ҳам шифохонамизга бириктириб қўйилди, 1200 нафар ўқувчи ва ўқитувчидан иборат коллеж жамоасига ҳам хизмат кўрсатаёلمиз. Коллежга ўқишга кирувчилар ҳам шифохонамизда тиббий кўриқдан ўтмоқда.

Шифохонамиз янги, замонавий да-

волаш, ташхис қўйиш, таҳлил этиш ускуналари ҳамда УЗИ аппаратлари билан таъминланган. Лоборатория ташхислари тезкорликда олиб бориляпти: касалликка тезда ташхис қўйилиб, беморлар қисқа мuddатларда шифо топмоқда. Мисол учун 2010 йилда 2800 нафар бемор даволанди. Бу эса мўлжалдагидан 600 нафарга кўпдир.

Даволашда замонавий усулларнинг қўлланилиши натижасида 2011 йилнинг ўтган 6 ойида Кўқон минтақавий темир йўл узели темирйўлчилари ўртасида касалланишлар барча кўрсаткичлар бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайди. Мисол учун меҳнатга лаёқатсизлик варақалари берилиши 13 фоизга, касалланиш кунлари 16,2 фоизга, меҳнатга лаёқатсизлик кунлари 3 фоизга камайди.

Шифохонада замон талабларидан келиб чиқиб пуллик хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу борада четдан келиб мурожаат этувчи беморларга ҳам малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Шунга кўра, 2010 йилда 96 млн. сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Бу эса режага нисбатан 118 фоизни ташкил этади. 2011 йил режаси бўйича беморларга 120 млн. сўмлик пуллик хизмат кўрсатиш режалаштирилган. Ўтган ярим йил ичида аҳолига мўлжалдаги 60 млн. сўмлик ўрнига 71 млн. 923 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

Жамоамизда 33 нафар малакали олий тоифали шифокор ва 96 нафар ҳамшира ишлайди. Шифокорлар орасида тиббиёт фанлари номзодлари ҳам бор. Улардан тажрибали тиббиёт ходимлари — ички касалликлар бўлими бошлиғи Эльвира Калимулина, поликлиника бўлими бошлиғи Му-

роджон Бойбоев, терапевтлардан Наталья Мурсыева, Инобат Миргиязова, Ирода Гасанова, ҳамширалардан Лионелла Сорокина, Хосият Мозоимрова, Дилфуза Аҳмаджонова, Раънохон Йўлдошевнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Темирйўлчилар билан бир қаторда Кўқон шаҳри ва атроф туманлар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатиб келяпмиз. Шифохона ва поликлиникада ултра-вуш диагностикаси, компьютер электрокардиограммаси, барча турдаги мукамал лаборатория таҳлили, ўпка касалликлари рентгени ва бошқа текширувлар, қанд, жигар касалликлари, жарроҳлик, ички касалликлар, стоматология, оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш ва тиш қўйиш, кўз, қулоқ, томоқ ва бурун касалликларини даволаш замонавий аппаратлар ёрдамида амалга оширилади. Электр уқалаш, электр уйқу, ўпка ва юқори нафас йўли касалликларини даволаш учун ингалятор, лазер диагностикаси ва бошқа замонавий тиббий ағжомлар билан жиҳозланган физиотерапевтик кабинетлар мавжудлиги ҳам бе-



морлар ўз соғлиқларини тез орада тиклашларида катта ёрдам бермоқда.

Барча мутахассисликлар бўйича шифокорлар МДХ мамлакатлари, жумладан, Москва тиббиёт академияси, Санкт-Петербург, Харьков, Минск, Новокузнецк, Қозон шаҳарларидаги таълим клиникаларида малака ошириб қайтгани ҳам даволаш ишларида ўз самарасини бермоқда.

Улуғбек МУҲАМАДИЕВ,
Кўқондаги бирлашган темирйўл шифохонаси бош шифокори



Шифохонамиз касабаяюшма кўмитаси таркибида 5 та хайъат бўлиб, уларда ташкилий ва спорт ишлари, аёллар ва болалар билан ишлаш, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи ва

меҳнатни меъёрлаштириш, ижтимоий суғурта йўналишларида фаолият олиб борилади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ Йўлида

Касаба уюшма кўмитаси томонидан белгиланган йиллик вазифа ва тadbирлар ўз вақтида амалга оширилиб келмоқда. Мисол учун ўтган йили ишчи-хизматчиларга 900 минг сўм ёрдам пули, 1 млн. сўм мукофот пуллари берилди. Ходимларимизнинг 30 нафар болалари «Темирйўлчи» оромгоҳида дам олдирилди. Шунингдек, санаторий ва сихатгоҳларга 12 та йўлланма берилди. 70 нафар ишчи-хизматчилар Наманган вилоятининг сўлим Чодак қишлоғига дам олишга олиб борилди.

2011 йилнинг ўтган ярим йилида ҳам барча байрам тadbирлари жамоа ўртасида шодиёналик билан ўтказилди. 22 нафар кам таъминланган оила вакилларига бир миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Менинг касбим — менинг фахрим» шиори остида ўтказилган «Энг яхши ҳамшира» кўрик танлови барчанинг ёдида бирдек қоладиган бўлди. Ушбу кўрик-танлов учун 1 млн. 600 минг сўм маблағ сарфланди. Бу йил ҳам ишчи-ходимларимизнинг фарзандларини соғломлаштириш учун «Темирйўлчи» болалар оромгоҳига йўлланмалар учун 1 млн. 575 минг сўм ажратилди.

Хуллас, касаба уюшма кўмитамиз томонидан барча ишловчиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш борасида етарлича иш олиб бормоқдамиз.

Қаҳрамон УМАРАЛИЕВ,
Кўқондаги бирлашган темирйўл шифохонаси касаба уюшма кўмитаси раиси

Ирина Юрьевна Кўқон шаҳрида темирйўлчилар оиласида туғилди. Буvasи Николай Игнатьевич ва отаси Юрий Николаевич ҳам Кўқондаги локомотив депосида 40 йилдан кўпроқ машинистлик қилганди. У эса сулола давомчиси бўлиб, темир йўл тизимига шифокор сифатида ишга юрди. Ҳозир Демченколар сулоласининг темирйўлдаги умумий иш стажини 100 йилдан ошиб кетган.

Ирина Демченко



Ирина 1985 йилда Оренбург тиббиёт институтини тамомлаб, Кўқонга қайтди ва Кўқон станцияси поликлиникасида врач-терапевт бўлиб иш бошлади. Кейинчалик ўз касбига меҳр қўйган Ирина врачлар малакасини ошириш курсида ўқиб, олий тоифали шифокор-невропатолог мутахассислигини эгаллади. Шундан кейин бир неча йиллар мобайнида врачлик — меҳнат экспертизаси бўйича бош шифокор муровини вазифасида ишлади. Сўнгра ўн уч йил поликлиника мудираси бўлиб катта жамоани бошқарди. Бу вазифада ишларкан, поездлар

ҳаракати хавфсизлигини тиббий таъминлаш учун ўтказилаётган турли тиббий кўриқларнинг сифатини яхшилашга катта аҳамият бериб келди, темирйўлчилар орасида кўп учрайдиган асаб касалликларини бошланғич босқичларда аниқлашда, ташхис ва даволанишнинг янги усуллари амалда қўллашда самарали фаолият олиб борди. Ҳозир Кўқондаги бирлашган темирйўл шифохонасида ишларкан, малакали мутахассис сифатида касбдошлари ўртасида алоҳида ҳурматта сазовор бўлган.

И. Демченко темирйўлчилар ва уларнинг фарзандлари ўртасида касалланиш, ногиронлиқни камайтириш соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон темир йўллари Соғлиқни сақлаш хизмати, шифохона маъмурияти ва Кўқон шаҳар ҳокимлиги томонидан бир неча марта муносиб тақдирланган.

«Шўхрат»ли шифокор



Ҳар кимнинг касбига қизиқиши турлича кечади. Ҳозирда Кўқондаги бирлашган темирйўл шифохонаси цех шифокори олий тоифали терапевт Нурхон Жўраевада ҳам бу ҳол ўзгача кечган эди.

— Онам кимё ва биология муаллимаси эди. Дарс пайтида лабораторияда ажойиб тажрибалар ўтказиб, бизни ўз фанига янада қизиқтирарди, — дейди у пайтларни эслаб Нурхон опа. — 7-синфда ўқиб юрганымда қон босими касалига чалиниб қолди. Шунда мен онамга «албатта келгусида шифокор бўламан ва Сизни тузатаман», деб далда бергандим. Шулар сабаб бўлиб, 1967 йилда Андижон давлат тиббиёт институтига ўқишга кирдим. Кимё ва биологиядан билимларим кучли бўлгани ўқишга киришимда жуда асқотди.

У ўқишни битиргач, Кўқондаги 1-шаҳар шифохонасида интернатурани ўтади. Сўнгра шаҳар яқинидаги ўзи туғилиб ўсган Найманча қишлоғида шифохонада ишлади, сал кам 15 йил бош шифокор бўлди.

Бу орада темирйўлда ишловчи қариндошларидан темир йўл шифохонасининг афзалликлари, соҳадаги имтиёзлар ҳақида кўп эшитар эди. Шулар сабаб бўлиб, 1996 йилда Кўқон бекатидаги бирлашган шифохона поликлиникасига ички касалликлар шифокори бўлиб ишга ўтди. Темир йўл соҳасидаги тартиб-интизом, яхши ишлаганда бериладиган мукофот ва рағбатлар, иш соатининг аниқлиги, баъзи жойлардагидек бошқа соҳа ишларига вақт кетказмай ишлаш унга маъқул келиб

қолди. Бу ердаги 15 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида минглаб темирйўлчиларнинг соғлигини тиклашга ҳисса қўшди. Янги ишга келганда ҳам-касби Рашида Мустафинадан ишлаш сир-асрорларини ўрганган бўлса, кейинчалик ўз мутахассислиги бўйича ўнлаб шогирдлар етиштирди.

— Поликлиникамизда ишлаётган ўрта ва кичик тиббиёт ходимларининг ҳар бирини йиллар давомида Нурхон Мадумаровна тарбиялаган. Тиббиётдек нозик ва мураккаб соҳа сирларини ўргатиб, уларга устозлик қилган, — дейди шифохона бош ҳақими У.Муҳаммадиев. — Унинг хизматлари натижасида бўлим иши йил сайин яхшиланиб бормоқда. — Натижада, Н.Жўраевага бириктирилган темирйўл корхоналарида касалланиш даражаси камайиши, темирйўлчилар орасида меҳнат қобилиятини йўқотиш кўрсаткичи сезиларли даражада пасаймоқда. Диспансер кўриги ишлари, оналарни соғломлаштириш каби долзарб масалалар ҳам унинг доимий назоратида.

2002 йилда унинг ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Темирйўлчиларни соғломлаштиришдаги меҳнатлари учун мамлакатимизнинг юксак мукофотларидан бири — «Шўхрат» медали билан тақдирланди. Тўрт фарзанднинг меҳрибон онаси, элда эъзоз ва эътибор топган ажойиб шифокор Нурхон Жўраеванинг келгуси ишларига ҳам ривож тилаб қоламиз.

Ёғду таратиб, шифро бағишлайди

Меҳригиёхни юнонлар мандрагора, араблар эса ябрух деб номлашган. Шу билан бирга, онтамис, мавкулун, варафия деб ҳам юритилади. Шакли инсоннинг суратига ўхшайди. Шунинг учун ябрух — одамгиёх деб аталади. Ябрух табиий санам, яъни инсон суратида бўлган ўсимликнинг исмидир.

Илдизи муҳаббат ҳиссини кўзгатиш хусусиятига эга. У икки хил бўлади. Биринчиси халқ орасида урғочиси деб танилган бўлиб, ранги қорага мойил. Уни ривкус, яъни коху меҳригиёх деб ҳам аташади. Чунки япроғи коху япроғи билан бир хилдир. Ерга ёйилиб ётади. Япроғининг тубида олмага ўхшаган хушбўй меваси бўлиб, нокнинг уруғига ўхшайди. Унинг каттагина икки ёки учта бир-бирига туташ илдизлари бор. Илдизларининг сирти қора ва ичи оқ бўлиб, усти қалин қобиқ билан ўралган.

Иккинчиси — меҳригиёхнинг эркак хилдир. Баъзилар уни мурион деб ҳам аташади. У оқ, силлик, йирик ва энли бўлади. Япроғи лавлаги япроғига ўхшаш бўлиб, меваси урғочисиникига қараганда икки марта каттароқдир. Ранги заъфаронга мойил. Ҳиди оғир, айна вақтда ёқимли ҳамдир. Уни кўпинча чўпонлар истеъмол қилишади.

Меҳригиёх ит-узумлилар оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик ўсимликдир. Барглари йирик, яхлит, тухумсимон, бўйи 80 - 85 см. гача боради. Гуллари сарғиш - яшил, бинафшаранг. Йилнинг июл, август ойларида гуллайди.


Шунингдек, ушбу гиёх илдизи бир метр чуқурликка етади. Илдизи таркибида алкалоид моддалар — скополамин, гиосциамин, атропин ва магдрагорин бор. Крахмал, дармон-дори, маъданли унсурлар ҳам мавжуд.

Меҳригиёхнинг 6 тури бўлиб, Ўрта ер денгиз соҳилларида, Ҳимолайда, Марказий Осиёда учрайди. Ўзбекистонда унинг битта тури ўсади. Бу — меҳригиёх туркман тури бўлиб, халқаро «Қизил китоб»га киритилган. Меҳригиёхнинг бу тури ердан узиб олинса ҳам йил мобайнида ўсиш хусусиятини сақлаб қолади.

Меҳригиёх илдизи яланғоч одамнинг кўринишини эслатгани боис халқ орасида у ҳақда кўп ривоятлар тарқалган. Айтишларича, меҳригиёх кўпинча бегуноҳ осиб ўлдирилган кишиларнинг қабри усти-

дан ўсиб чиқади ва шу туйфайли илоҳий қувватга эга. Ундан қувват олганлар доимий навқиронликка эга бўладилар. Шунингдек, ҳар қандай инсу-жинслардан муҳофаза қилади. Араблар орасида меҳригиёх тунлари ўзидан ёғду таркатади, деган гап юради. Шу боис уни «иблис шамчироғи» деб ҳам аташган.

Меҳригиёхни излаб топиш жуда қийин. Чунки плантацияларда ўстирилмайди. Топилганда эса илдизини қовлаб олишда жуда эҳтиёткорлик талаб этилади. Сабаби, илдизи жуда кучли электр магнит майдонида эга. Бу эса одам юрагига салбий таъсир кўрсатиб, ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин.



Шунинг учун унинг илдизини қовлаб олишда итдан фойдаланилади. Яъни, итни ўсимликка боғлаб қўйиб, унинг тортилиши учун нарироққа гўшт ташлаб қўйилади. Ит гўштга интилиши, натижасида меҳригиёх илдизи ердан сугурилиб чиқади. Шу тарихида ит электр магнит майдонининг салбий томонини ўзига олади.

Меҳригиёх азалдан халқ табиотида қўлланилиб келинган. Буюк аллома Абу Али ибн Сино меҳригиёх борасида шундай таъриф берган.

«... Меҳригиёх япроғи билан, айниқса, ҳўл япроғи билан теридаги қора нуқталарни бир ҳафта ишқаланса, у нуқталарни яра қилмасдан кетказади. Сути нуқтали қизил қонлашларни ва сепкилни ачиштирмасдан кўчиради. Тошмаларни ҳам кетказади. Илдизи талқон билан қўшиб бўғин оғриқларида боғланади. Мудратиб ухлатади. Уйқусизлик касалига қарши ичиладиган шароб тайёрланади. Бундай шароб сезгиларни ўтмаслаштиради. У доғлашда, хатна қилишда ва ништар уришда ичирилади. Чунки буни ичган киши қарахт бўлиб, уйқу босиб, оғриқ аламини сезмайди. Уруғини хотин киши олов тегмаган олтингугурт билан аралаш-

тириб кўтарса, бачадондан қон кетишини тўхтатади...»

Меҳригиёх (мускул, бўғин, асаб) оғриқларни қолдиради. Ошқозон-ичак хасталикларидан наф беради. Илдизидан тайёрланган спиртдаги эритмаси бод, подаграда малҳам бўла олади. Бунда 3-10 томчидан ичилади.

Ўсимлик ўти (юқори қисми)нинг сут ва асал билан аралашмаси шишларда, безларни даволашда бозилатма (компресс) кўринишида қўлланилади.

Меҳригиёх эритмаси витилигога қарши ишлатилган дорилар таркибига киритилган. Меҳригиёх мевасидан махсус «муҳаббат ичимлиги» тайёрланади. Бу ичимлик илиқлик мавжини кучайтиради, фарзанд дунёга келишида замин яратади.

Грек ҳакими Диоскорид меҳригиёх хосиятини қўллаб, Нерон армиясида жароҳлик амалиётида фойдаланган.

Машхур шифокор Гипократ эса меҳригиёх хосиятини изчил ўрганиб, сиқилиш, кўрқиб каби хасталикларни даволаган.

Маълумки, инсон сиқилганида, хасталикка чалинганда, ёши ўтиб бораётганида қувватини тобора йўқотиб, ҳужайралар камайиб боради. Аъзои-танадаги йўқотилган ҳужайраларнинг ҳаммаси ҳам қайта тикланавермайди. Меҳригиёхда ана шу ҳужайраларни қайта тиклаш хосияти бор. Бу эса ўз навбатида, инсон ҳаётини узайтиради. Умрига-умр қўшади. Маълумотларга кўра, бир аёл меҳригиёхдан унумли фойдаланиб, 140 йил яшаган.

Агар ўз вақтида қандли диабет, лейкоз, экзема, витилиго каби хасталикларни даволашда меҳригиёх қўлланилса, ажойиб малҳам бўла олади. Меҳригиёхни фақат шифокор маслаҳати билан қўллаш даркор. Чунки, ножўя таъсир натижасида инсулт касаллигига чалиниш эҳтимоли ҳам бор. Ўсимлик захарли гиёҳлар туркумига киритилган. Болаларга қўллаш ман этилади.

**Мирзамир
МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос**

Агарда юз терингиз соғлом бўлса, уни ҳафтада 2-3 марта совунлаб ювиш кифоя. Ҳар кун ювсангиз, юз териси қуриб кетади. Қор ва ёмғир сувларидан фойдаланинг. Юмшоқ сув юз парваришида яхши самара беради.



Юзни парвариш қилиш

Лекин огоҳ бўлингки, юзингизни совуқ сув билан ювсангиз, терингиз юпкалашиб, ажин тушиши мумкин. Чунки бу ҳолда қон томирлари торайиб, қон айланиши бузилади, терининг озикланиши издан чиқади. Айниқса, териси қуруқ ва нозик инсонлар нихоятда эҳтиёт бўлишлари керак. Юмшоқ сув бўлмаса, 1 литр оддий сувга 0,5 чой қошиқ ош сода, бир ош қошиқ глицерин қўшиб ёки уни қайнатиб, тиндириб, совигандан сўнг ишлатасиз. Сув уй ҳароратида бўлиши лозим.

Иссиқ сув билан ювилган юз териси тоза бўлмайди. Бунда томирлар кенгайиб, юзингизга доғ тушиши мумкин. Яхшиси, юзни олдин иссиқ сув, сўнг совуқ сув билан, кейин яна иссиқ сув билан ювсангиз, юз терингиз нормал ҳолатда бўлади. Ювиниб бўлгач, терини сочиқ билан қуригунча артиш керак. Ётиш олдиндан юз лосьонлар ва тониклар билан артилса, юздаги микроблардан фориғ бўласиз.

Юз териси ёгли бўлса, ювишдан 10-15 дақиқа олдин қатиқ суртиб, ёглик юзга мўлжалланган совунлар билан яхшилаб ювиш мақсадга мувофиқдир. Бунда юзингиздаги қора нуқталар кетади.

Ҳафтада 2-3 марта совунни кўпиртириб, устидан 1/4 чой қошиқда майда туз сеппиб, 2-3 дақиқадан сўнг ювиб ташлаб, юзни яхшилаб артиб, озиклантирувчи крем суртилади. Бу тери ялтирашини йўқотиб, кенгайиб кетган тешиқларни торайтиради.

Юз териси қуруқ бўлса, илиқ сувда ювилади. Қуруқ терини совун билан ҳафтада 1 марта ювиш мумкин. Юзни артмай туриб, сочиқ бостириб сув шимдирилади. Юзингиз жудаям қуруқ бўлса, уни ювишдан олдин шафтоли, зайтун ёғларидан суртиб, сўнг ювиш яхши самара беради.

Қуруқ терини ювишдан олдин 2 та тухум сариги 1 стакандаги 1/4 қисм қаймоққа аралаштирилиб артилса, юзингиз нормал ҳолатда бўлади.

Агар юзга ажин тушган бўлса, ювишдан олдин календуланинг спиртдаги эритмасини тенг миқдорда сув билан аралаштириб, 1 чой қошиқ тузни 1 стакан сувда эритиб ёки бирорта ўсимлик мойидан суртиш мумкин.

Юз терингизга қуйидаги ниқоблардан фойдаланинг:

Тухум сариги билан асалдан тайёрланган ниқоб сўлиган ёки соғлом тери учун яхши. Ниқобни тайёрлаш учун: 1 дона тухум саригини 1 ош қошиқ асал билан қориштирилади. Уни яхши юмшатиш учун 1 ош қошиқ зайтун, шафтоли мойларидан қўшинг. Терига озиклантирувчи крем суртиб, 15-20 дақиқадан сўнг устидан 3 марта табиий ёғланган маскамиз қўйилади. Кейин уни иссиқ сувда ҳўлланган пахта билан артиб ташланади. Агарда терингиз қуруқ бўлса, ниқоб кетидан яна озиклантирувчи крем суртилади.

Қуруқ териларга 1 дона тухум сариги иситилган 1 ош қошиқ шафтоли ёки қунабоқар мойи билан аралаштирилади. Кейин баравар миқдорда қайнаган сув ва лимон ширасидан 1 чой қошиқ қўйилади.

Тухумли ниқоб — тухум яхшилаб аралаштирилиб, юзга суртилади ва 5-10 дақиқадан сўнг совуқ сувда ҳўлланган пахта билан артилади.

Сузмадан тайёрланган ниқоб асосан терини озиклантириб, оқартириш мақсадида қўлланилади. Ҳар қандай терига қўллаш мумкин. Агар тери қуруқ бўлса: 1 ош қошиқ сузма 2 ош қошиқ қаймоқ билан: тери ёглик бўлса, 2 ош қошиқ қатиқ билан яхшилаб аралаштириш керак. Унга 1 чой қошиқ ош тузи ҳам қўйса бўлади. Ниқоб юзга қўйилиб, 15-20 дақиқа ётилади. Сўнг олдин иссиқ, кейин совуқ сув билан ювиб ташланади.

Ҳамиртурушдан тайёрланган ниқоб ҳар қанақа терига мос. В группа витаминларга бой ҳамиртуруш терига моддалар алмашинуви ва қон айланишини яхшилайди, таранглигини оширади, тешиқларни тозалайди.

Соғлом тери учун 10-15 гр. ҳамиртуруш иситилган сут билан: ёглик тери учун водород пероксиднинг 3 % ли эритмаси билан: (бу терини оқартиради ҳам) қуруқ тери учун ўсимлик мойи билан қуёқ қаймоқ ҳолига келгунча аралаштирилади. Ниқобни 15-20 дақиқа қўйиб, олдин иссиқ, кейин совуқ сувда ювилади ва терига юпка қилиб озиклантирувчи крем суртилади.

Дурдона КОМИЛОВА

● Кураш

14 июл куни Токио (Япония)-даги Халқаро Конвеншен Марказида Осиё минтақасида Олимпия ҳаракатини бошқарувчи раҳбар орган — Осиё Олимпия кенгаши (ООК)нинг XXX Бош Ассамблеяси бўлиб ўтди.



Қатордан қолмади

Унда бир қанча масалалар қаторида 2013 йилнинг 29 июнидан 6 июлига қадар Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтувчи ёпиқ иншоотлардаги ўйинлар ва жанг санъати бўйича IV Осиё ўйинларининг дастури кўриб чиқилди.

ООК қарори бўйича илгари алоҳида ўтказиб келинган жанг санъати бўйича ўйинлар ва ёпиқ иншоотларда ўтказилувчи ўйинлар бирлаштирилди. Шу муносабат билан янги бирлаштирилган ўйинлар дастури спортнинг тўққизта турига қисқартирилди.

Дастурнинг кескин қисқартирилишига қарамасдан, Осиё Олимпия кенгаши кураш бўйича расмий мусобақаларни Инчеондаги ўйинларга киритиш ҳақида қарор қабул қилди. Кураш бўйича мусобақалар эрақлар ва аёллар ўртасида 14 та вазн тоифасида ўтказилади.

Тиббиётчилар шижоати

Куни кеча Кумқўрғон шаҳрида жойлашган «Болалар спорт мажмуаси»да Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ва мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан вилоят соғлиқни сақлаш ходимларининг XI «Саломатлик» спартакиадаси бўлиб ўтди.

Жамоалар энгил атлетика, стол тенниси, волейбол, арқон тортиш, дартс бўйича беллашдилар. Қизиқарли беллашувлардан сўнг умумжамоа ҳисобида кумқўрғонлик тиббиётчилар биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин деновликларга, учинчи ўрин эса термизликларга насиб этди. Ғолиблар эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирландилар.

Абдурасул ЧЎЛИБОЕВ,

Кумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси

Барча эътиборда

«Муҳими ютуқ эмас, мусобақада қатнашишдир». Касаба уюшмалари томонидан уюштирилган барча спорт баҳсларида иштирокчилар ушбу сўзларни мамнуният билан изҳор этишади.

Тармоқ вилоят кенгаши та-шаббуси билан бу йил ҳам «Саломатлик, соғломлаштириш, мазмунли ҳордиқ чиқариш...» шиори остида мини футбол, волейбол, стол тенниси, шашка, шахмат ва энгил атлетика турлари бўйича ўтказилган «Саломатлик» спартакиадасининг биринчи босқичи таълим муассасаларида, иккинчи босқичи эса барча туманларда бўлиб ўтди.

Ёшларга таълим ва тарбия бераётган қарийб 60 мингга

яқин педагог-ҳодимни қамраб олган спартакиаданинг финал босқичида 425 нафар киши ўзаро баҳсга киришди.

Яқунда волейбол (аёллар) бўйича Балиқчи тумани, стритбол ва энгил атлетика турлари бўйича Марҳамат тумани, оилавий кўп кураш тури бўйича Шаҳрихон туман, стол тенниси бўйича Андижон шаҳар, шахмат бўйича Пахтаобод тумани, шашка бўйича Избоскан тумани халқ таълими ходимлари ғолибликни

кўлга киритдилар.

Умумжамоа ҳисобида эса Марҳамат тумани жамоаси биринчи, Пахтаобод тумани жамоаси иккинчи, Хўжаобод тумани жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ҳамда дипломлар билан тақдирланишди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Қисқа, аниқ, лўнда



Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳужумчиси Темур Ҳакимовга Германиянинг «Штутгарт» ва Россиянинг «Зенит» жамоалари қизиқиш билдирмоқда. Клуб академияси селекционерлари ЖЧ пайтида Ҳакимовнинг ўйинларини кузатиб боришган ва унинг ҳаракатлари туширилган видеоёзувларни ўз клубига олиб кетишган.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 8-11 август кунлари Украина пойтахти Киев шаҳрида ташкил этиладиган Валерий Лобановский хотирасига бағишланган халқаро турнирда қатнашади. Унда Сербия, Исроил, Ўзбекистон ва Украина терма жамоаси иштирок этади.

Эслатиб ўтамиз, терма жамоамиз 2012 йили Лондонда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларининг 3-саралаш босқичида Австралия, Ироқ, БАА билан бир гуруҳда кураш олиб боради.

Аргентинада бўлиб ўтаётган Америка Кубогининг барча ярим финал иштирокчилари маълум бўлди. Шундай қилиб ярим финалда Перу — Уругвай, Парагвай — Венесуэла жуптликлари финал йўлланмаси учун ўзаро орани очиб қилиб оладилар.

Ўзбекистон терма жамоаси сардори, 28 ёшли ярим ҳимоячи Сервер Жепаров Саудия Арабистонининг «Ал-Шабоб» жамоаси билан 3 йиллик шартнома имзолади. Трансфер баҳоси 8 млн. АҚШ доллари экани ҳақида «Ал-Шабоб» клубининг расмий сайти хабар тарқатди.

Словакиянинг Осрбли шаҳрида ёзги биатлон бўйича ўтказилган жаҳон кубоги иккинчи босқич мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, учтадан кумуш ва бронза медалларини кўлга киритишди.

Мусобақанинг спринт — қисқа масофага югуриш баҳсларида Анузар Юнусов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Тажрибали спортчимиз

кувиб ўтиш баҳсларида кумуш медални кўлга киритди. Яна бир истеъдодли спортчимиз Руслан Носиров спринт баҳсларида кумуш, кувиб ўтиш мусобақасида бронза медал билан тақдирланди.

Ўсмирлар ўртасидаги спринт баҳсларида Алиакбар Юнусов бронза медални кўлга киритди. Ҳамюртимиз Марина Хмелевская югуриш беллашувларида кумуш, кувиб ўтиш мусобақасида эса бронза медалига лойиқ топилди.

Россия кубогининг 1/16 финал босқичи доирасида Ульяновскнинг «Волга» ҳамда Махачқалъанинг «Анжи» клублари ўзаро куч синашди. Унда меҳмонлар йирик — 3:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Эътиборлиси, «Анжи»нинг голларидан бирига ҳамюртимиз Одил Аҳмедов муаллифлик қилди.

Ўйиннинг 41-дақиқасида ҳимоячилар томонидан йўл қўйилган хатони Аҳмедов кечирмади ва биргина уриниш билан тўпни дарвозага йўллаб қўйди. Бу Одил Аҳмедовнинг Россия майдонларидаги биринчи расмий голи ҳисобланади.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

● Муайтай

Самарқанд шаҳрида старт олган муайтай бўйича республика чемпионати ўз ниҳоясига етди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, шунингдек, Тошкент шаҳридан ташриф буюрган спортчилар иштирок этдилар.



Чемпионат якунланди

Ўсмирлар гуруҳида Тимур Ҳамроев (Тошкент шаҳри, 42 кг.), Ҳамид Яхшиев (Бухоро, 45 кг.), Фирдавс Маннонов (Самарқанд, 48 кг.), Жаҳонгир Йулдошев (51 кг.), Икром Абдуҳалимов (Фарғона, 54 кг.), Хусниддин Мадаминонов (Хоразм, 57 кг.), Турсунали Исаев (Бухоро, 60 кг.), Наим Тўхтабоев (Наманган, 63,5 кг.), Муҳиддин Қурбонов (Бухоро, 67 кг.), Султон Шаркаев (Наманган, 71 кг.), Даврон Умарбеков (Тошкент шаҳри, 75 кг.), Ислоҳ Маърупов (Фарғона, 81 кг.), Дилшод Хусниддинов (Тошкент шаҳри, 86 кг.)лар ўз вазн тоифаларида олтин медалларига эгалик қилдилар.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари ғолибликни кўлга киритган бўлса, Бухоро ва Фарғона вилоятларидан иштирок этган спортчилар 2- ва 3-ўринларни бўлишиб олдилар.

Катталар гуруҳида эса Лочинбек Миролимов (Тошкент шаҳри, 45 кг.), Анвар Холхўжаев (48 кг.), Шерзодбек Сотқинов (Андижон, 51 кг.), Шухратбек Ботиров (Тошкент шаҳри, 54 кг.), Дилмурод Раупов (Тошкент шаҳри, 57 кг.), Абдулло Худойбердиев (Самарқанд, 60 кг.), Фирдавсий Холмуродов (Самарқанд, 63,5 кг.), Қаҳҳорбек Мавлонов (Андижон, 67 кг.), Санжар Юсулов (Тошкент шаҳри, 71 кг.), Артур Кодиркулов (Самарқанд, 75 кг.), Парвиз Ҳамидов (Самарқанд, 81 кг.), Жавлон Назаров (Тошкент шаҳри, 86 кг.), Юсуф Ибрагимов (Самарқанд, 91 кг.), Жобирбек Тошпўлатов (Бухоро, +91 кг.)лар барча рақибларини мағлуб этиб, шохсупанинг энг юқорисидан жой олдилар.

Катталар ўртасида ҳам умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси 1-ўринни эгаллади. Самарқандлик ва андижонлик тайбокчилар кейинги ўринларни банд этишди.

Ўз мухбиримиз

● Бокс

Кумуш ва бронза

Украинанинг Мариупол шаҳрида бокс бўйича «А» тоифали «Макар Мазай мемориали — 2011» халқаро турнири бўлиб ўтди. Беш кун давомида «Иличевес» спорт мажмуасида Ўзбекистон, Украина, Молдова, Россия, Корея, Қозғистон, Туркманистон, Эрон ва Швеция каби давлатлардан ташриф буюрган 104 нафар спортчи совринли ўринлар учун мurosасиз жангга киришдилар.

XVI Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расулов 81 кг. гача бўлган боксчилар орасида шведиялик Бабакар Камар, Украина вакиллари Виктор Неферов ва Дмит-

ро Симбални энгиб, кумуш медал соҳиби бўлди.

75 кг. вазнда баҳсларга киришган икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев россиялик Тимур Керефов, украиналик Иван Голуб, қозғистонлик Донабек Сужановлар устидан ғалаба қозониб, иккинчи ўринни эгаллади.

Кумуш медалга, шунингдек, финалга қадар Жанубий корейлик Жонг Чун Шинни ва украиналик Денис Шкаруболарни енгган ватандошимиз Шаҳобиддин Зоиров (49 кг.) ҳам лойиқ топилди.

Санжар Раҳмонов (64 кг.) ва

Фазлиддин Ғойибназаров (60 кг.)лар бронза медал соҳиби бўлишди. Терма жамоамиз жами учта кумуш ва иккита бронза медалини кўлга киритди.

Темур ДАВЛЕТОВ



Информацион билдириш

«Тошкент» сейсмик станциясининг маълумотига кўра, 2011 йил 20 июль тунги соат 00.35да мамлакатимиз худудида ер силкиниши қайд этилди. Зилзила эпицентри Тошкент шаҳридан 235 километр узоқликда, жануби-шарқий йўналишда, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари чегарасида бўлиб, у ерда ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 7-8 баллни ташкил этган.

Ернинг силкиниши кучи Андижон ва Фарғона вилоятларида 5 балл, Наманган вилоятида 4 балл, Тошкент шаҳрида эса 5 балл даражасида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фавкулдда вазиятлар вазирлигининг маълумотларига кўра, зилзила оқибатида

Фарғона вилоятининг Риштон, Бағдод ва Ўзбекистон туманларида айрим эски уй-жойларга шикаст етган. Бунинг оқибатида 13 нафар фуқаро ҳалок бўлган, жароҳат олганлардан 86 нафарига биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 35 нафари шифохоналарга ётқизилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг топшириғига биноан республика ҳукумати томонидан табиий офат оқибатларини бартараф этиш, жабр кўрганларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарияти зилзила оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

(ЎЗА)



Бузғунчилар қўлга олинди

«Anonymous» (анонимлар) деб номланган гуруҳ аъзоларини ҳибсга олиш амалиёти Алабама, Аризона, Калифорния, Колорадо, Флорида, Массачусетс, Невада, Огайо ва Нью-Мексика штатлари ҳамда пойтахт Вашингтонда ўтказилди. Ушбу гуруҳнинг «Lulz Sec» хакерлар гуруҳи билан ҳамкорликда Марказий Разведка бошқармаси, Буюк Британия полиция бўлини, «Сони» компаниясининг Интернетдаги айрим хизмат кўрсатиш сайтларига кириб, уларни ишдан чиқаргани маълум қилинди.

АҚШ Федерал Қидирув Бюроси ўтказган махсус амалиёт натижасида хакерлик билан шуғулланишда гумон қилинган 14 киши ҳибсга олинди.



Мамлакатингиз майдони қанча?

АҚШ таълим вазирлиги мутахассислари томонидан мамлакатдаги бошланғич ва ўрта мактабларда олиб борилган ижтимоий сўров натижасида, мактаб ўқувчиларининг деярли ярми ўз мамлакатларининг географик ўрнини билмаслиги маълум бўлди.

Масалан, 4-синф ўқувчиларининг ярмисигина АҚШ Шимолий Америка қитъасида жойлашганини айтишган. Пенсильвания штати университетининг профессори Роджер М. Даунснинг сўзларига қараганда, замонавий мактабларнинг ўқитувчилари асосий эътиборни ижтимоий фанларга эмас, балки кўпроқ математикани ўқитишга қаратишар экан.



Бразилияда табиий офат

Бразилия шимолий-шарқий минтақаларида ўтган жумадан бери ёгингарчилик давом этмоқда. Натижада сув тошқинлари юз берди. Тарқатилган хабарларга қараганда, 10 киши табиий офат қурбонига айланган. Дарёлар ўзанидан чиқиб кетиши туфайли бир қатор шаҳарлардаги мавзелар сув остида қолди. 26 та шаҳарда фавкулдда ҳолат жорий қилинди. 13 мингдан ортиқ аҳоли хавфсиз жойга кўчирилди.

Корхонадаги портлаш

Хитойнинг жанубий-ғарбидаги Сичуань вилоятида пиротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонада портлаш юз берди. Оқибатда 6 киши жароҳат олди. Синьхуа ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, портлашдан сўнг ёнгин чиққан. Ҳозир корхона фаолияти тўхтатиб қўйилган. Фалокат оқибатида унинг атрофидаги 150 та турар жой биносига ҳам зарар етган.



Зилзиладан кейин... тўфон

Япония жанубий шарқидagi Хонсю ороли соҳилларига «Ма-он» номини олган тўфон етиб келди. Маълумотларга кўра, 51 киши жароҳат олиб, бир киши бедарак йўқолган. Айни дамда тўфоннинг тезлиги бир дақиқада 30 метрни ташкил қилмоқда. 2 мингга яқин киши табиий офат худудидан хавфсиз жойга чиқиб кетишга муваффақ бўлган.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин Тўлаганов тайёрлади

Қутилмаган фожиа

Таиланднинг Пак Тхо қишлоғидаги темир йўл чорраҳасида тезюрар поезд юк машинаси билан тўқнашиб кетди. Фожиа оқибатида 42 киши жароҳат олди. Шундан 19 нафари Таиланд фуқаролари, 23 нафари хорижлик сайёҳлар экани айтилмоқда. Уларнинг ҳаммаси касалхонага ётқизилди.



«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Бошқарувининг 09.06.2011 йилдаги 70/2-сонли қарорига асосан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Амалиёт бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси 3-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси кўйилмоқда: 1. «Мидибус-М 24» русумли, д/р 01 961 JBA бўлган, 1998 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 22 800 000 сўм. 2. «Мидибус-М 24,9» русумли, д/р 01 962 JBA бўлган, 2000 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 24 387 000 сўм. 3. «ГАЗ-5312» русумли, д/р 01 957 JBA бўлган, 1991 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 289 000 сўм. 4. «Опель Вектра» русумли, д/р 01 642 LBA бўлган, 2005 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 32 179 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бошқарувининг 11.06.2011 йилдаги 15-сонли қарорига асосан, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бошқарувининг тегишли, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси кўйилмоқда: 1. «Нексия» русумли, д/р 01 087 DAA бўлган, 2007 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 006 000 сўм. 2. «Нексия» русумли, д/р 01 107 KAA бўлган, 2007 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 010 000 сўм. 3. «Нексия» русумли, д/р 01 104 KAA бўлган, 2007 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 537 000 сўм. 4. «Нексия» русумли, д/р 01 670 GAA бўлган, 2007 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 179 000 сўм. 5. «Матиз» русумли, д/р 01 098 KAA бўлган, 2008

йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 847 000 сўм. 6. «Матиз» русумли, д/р 01 096 KAA бўлган, 2008 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 158 000 сўм. 7. «Матиз» русумли, д/р 01 041 FAA бўлган, 2008 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 161 000 сўм. 8. «Матиз» русумли, д/р 01 109 RAA бўлган, 2008 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 930 000 сўм. III. Аукцион савдосига Тошкент вилояти Бошбекатлари ва йўловчилари шохбекатлари ишлаб чиқариш ДУКнинг 12.07.2011 йилдаги 01/302-сонли хатига асосан, корхонага тегишли, Тошкент шаҳар, Бунёдкор кўчаси, 7-уй манзилда сақланаётган «Дамас» русумли, д/р 01 468 JAA бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 9 503 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 22 август куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 22 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 29 август ва 5 сентябр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш 1 кўчаси, 1-А-уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Санъатимиз фидойилари

Бухоро халқининг ривоят, қайроқ ўйини, мухаммасхонлик, маталхонлик, кураш, кўпқари, шеърхонликка «суяги» йўқ. Эл орасида 15 йилдан бери фаолият юритиб келаётган «Афанди шай» театр студияси нафақат вилоятда, юртимизда ҳам анча машхур.



«Afandi SHAY» qiziqchilar teatr studiyasi

АФАНДИ ШАЙ «ТУРМУШ»

Театр студияси режиссёри, актёр Бахриддин Розиков яратган ҳар бир образ томошабин қалбидан жой олган. Одамлар уни кўча-кўйда кўриб қолишса, «ана Афандининг «тириги» деб, саломлашиб, сўхбатга тортишга ҳаракат қилишади. Бу бежизмас. Томошабин меҳрини қозониш, улардан ширин сўз эшитиш осонми ахир? Бунинг учун тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш талаб этилади.

Бахриддин Шофиркон туманининг Тезгузар маҳалласида туғилган. Отаси Қодир бобо, онаси Пўлатой момо санъатни қадрлайдиган инсонлар эди. Момо доирани 12 усулда чалиб, қишлоқдошларини хайратга соларди. Қишлоқдаги тўй-ҳашамлар унинг доирасисиз ўтмасди.

Бир кун Қодир ота ўғлига танбур олиб берди. Лекин ўғил доира чалишни хуш кўрарди. Мактабдаги тадбирларда доира чалиб, минаторалар ижро этарди. Адолат Ҳамроевадан мусиқа чалишни ўрганди. Санъатга бўлган муҳаббат уни Бухоро шаҳридаги О.Хўжаев номидаги маданият техникумига етаклади. У хор-дирижёр бўлимида

устози Музаффар Исломовдан таҳсил олди. Билимини янада ошириш мақсадида Тошкент давлат маданият институтининг хаваскорлик театри режиссёрлиги бўлимида сиртдан ўқиди. Устози Хусан Мирпўлатовдан режиссёрлик сир-асрорини, 1983-85 йиллар Республика телевидениеси мусиқа тахририятида ишлаган чоғида теле-режиссёр Қўзибой Ҳакимов (Аллоҳ раҳмат қилсин), Баҳром Юсуповдан касб маҳоратини пухта ўрганди. 1982-1998 йилларда Шофиркон туман марказий маданият уйида турли вазибаларда меҳнат қилди. Ўшандан буён академик ва халқ бадиий жамоалари ҳузуридаги «Афанди Шай» қизиқчилар театр студияси режиссёри ва актёри бўлиб ишлаб келмоқда. Вилоят миқёсида ўтказиладиган барча оммавий байрам тадбирлари студия иштирокисиз ўтмайди.

Шунингдек, Республика миқёсида ўтказиладиган аскиячи ва қизиқчилар кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этиб келаяпти. Б.Розиков ўзбек халқ ҳажвий қахрамони — Насриддин Афанди образини ўзига хос йўналишда талқин этмоқда. Саҳнада ўзини тутуши, оддийлиги, соддалиги, ҳатто

юриш-туришигача томошабинда кулгу уйғотади.

«Афанди шай» 1998 йили Марғилонда ўтган 1-республика қизиқчилар кўрик-танловида 2-ўринни олган бўлса, 2006, 2008 йилларда Андижоннинг Хонобод ва Қорасув шаҳрида ўтган ушбу танловда 2-ўринга сазовор бўлган. Пойтахтда «Муштум» журналининг 80 йиллик юбилейига бағишланган тадбирда ўзининг ичак узди хангомалари билан алоҳида олқишга эришди.

Шубҳасиз, жамоанинг ютуқларида Бахриддин аканинг хиссаси катта. Дарҳақиқат, Б.Розиков бахтли инсонлардан. Турмуш ўртоғи Холбегим Нафасова ҳам санъат фидойиси. Ўғиллари Беҳзоджон, Баҳромжон олий маълумотли. Айрим пайтда «Афанди Шай» театр студиясига келиб рол ижро этиб туришади. Студия яна бир хайрли ишга қўл урган. Афандининг латифалари асосида «Афанди бир кун...» ҳажвий телесериалининг 13 қисми суратга олинди. Ушбу филмнинг халқимизга манзур бўлишига ишонамиз.

Гулчеҳра БОНУ,
журналист

Юқори Чирчиқ туманида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида адабий кеча ташкил этилди.

Илҳомбахш кечалар

Унда республика «Нуроний» газетаси ва «Саховат» журнали бирлашган тахририяти бош муҳаррири, халқаро Яссавий мукофоти соҳиби Темур Убайдулло, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шавкат Туроб ёшларга юртимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ва ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунча беришди.

Шунингдек, Гўзал Солиева, Шоҳсанам Зиётова, Зиёда Бойматова, Мафтуна Солиева, Наргиза Хўжахметова, Нурсейит Тошқулов, Арай Оязхонов сингари ёш истеъдод эгалари ўз ижоди билан тадбирга файз киритишди.

Латифжон МАНСУРОВ

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2005 йил Саидалиев Бекзод Шавкатович номига берилган КН 274421 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЛИЦЕНЗИЯ: RR-0001.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI»

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида ўз ҳудудий филиалларига эгадир.

Жамият Республикамиз ҳудудида риэлторлик соҳасида куйидаги йўналишлар бўйича хизматларни кўрсатади:

- кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик;
- кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш;
- кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш;
- кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари бўйича риэлторлик хизматларини кўрсатади.

Жамиятда сифатли риэлторлик хизматларини кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар ва кўп йиллик тажрибага эга малакали мутахассислар мавжуд.

«Ko'shmas mulk savdo xizmati» Масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади.

Хурматли юртдошлар!

Жамиятимизда Сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.

- ▶ Манзилимиз: Тошкент шаҳар Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«а»-уй.
- ▶ Мурожаат учун телефонлар: 228-80-23, 228-80-24, факс: 228-84-48.
- ▶ Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz

КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИДА ЭНГ БИРИНЧИ, ЭНГ ИШОНЧЛИ.



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир:
Абдуҳолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lg'in TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Бизга кўнғирок қилинг:

Котибият: 256-52-78

Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят мухбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;
Бухоро + 99893 653 50 81;
Жиззах + 99872 360 00 10;
Навоий + 99893 725 46 40;
Наманган + 99897 491 79 27;
Самарқанд + 99866 933 25 04;
Сурхондарё + 99897 458 05 07;
Фарғона + 99891 679 32 79;
Қашқадарё + 99897 414 30 78
Қорақалпоғистон Республикаси
ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва сақланган.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг
сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан
фарқлиниши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда
«Ishonch»дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар **h** белгиси остида
чоп этилади.

E-mail: ishonch2011@gmail.com

«Шарқ» нашрийт-
матбаа
акциядорлик
компанияси
босмахонасида
чоп этилди.
Қоралма манзил:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41-уй.
ISSN 2010-5002
9772010500004

Навбатчи муҳаррир:

Ж. Шарофбоев

Навбатчи:

С. Абдурахмонов

Мусахҳиҳ:

С. Шодиева

Саҳифаловчи-
дизайнер:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш
вақти - 05.00
Топширилди - 05.20

Буюртма Г— 711

Тиражи: 13652

1 3 4 5